



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

1995 йил

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

ЖУМА КУЊЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

10 МАРТ, №10 (3297)

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар! Азиз опа-сингиллар!
Сизларни гузаллик ва латофат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик айёми — 8 март билан чин юракдан табриқлайман.

Халқро аёллар куну сифатида нишонланадиган бу аёнанавий байрам бизнинг ёш, мустакил мамлакатимизда мутолға янги мазмун касб этмоқда. Қадриятларимиз, аёнанаимиз тикланаётган, жамиятимиз маънавий жиҳатдан покланаётган, шарқона одоб ва лутф қайтадан қарор топаётган бир шароитда аёлларни эъозлаш, оила ва жамиятдаги нуфузини кутариш, уларнинг меҳнатини, гулдай нозини кўнглини ва юксак шаънини асраб-авайлаш ҳаётимизда алоҳида ўрин тоғмоқда.

Бизга ҳаёт инъом этган, оқ сўт берган, оқ ювиқ оқ тараган она олдида барчамиз умрбод қарздоримиз. Бу улғу зот олдида ҳар доим таъзим баҳо айлаш — ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Аёллар меҳри ва чексиз меҳнати билан ҳар қайси оиланинг бахту саодати, бутун жамият ва давлатнинг ободлиги, барқарорлиги, тинчлиги таъмин этилади ва мустақамланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг салкам ярмини болалар ва усмирлар ташкил этар экан, айтиш мумкинки, Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги сизнинг бағрингизда, меҳру муҳаббатингиз шўъласида камолотга етмоқда.

Меҳрибон оналар, опа-сингиллар! Ҳар қайси хонадон ва ҳар бир оилага муносиб шайроит яратиб бериш, сизларнинг ва фарзандларингизнинг тинч-тотув ҳаётини, юртимиз барқарорлигини ҳимоя этиш вазифаси ҳар доим давлатимиз сийосатининг марказида бўлади, деб сиз азизларни ишонтиришга руҳсат бергайсизлар.

Сизларни яна бир бор кутлуг айём билан муборакбод этаман, барчангизга тансиҳатлик, бахту саодат тилайман.

Умрингиз узун, иқболингиз баянд бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ

Миллатимиз равнақи учун, қаддини руй-рост тиклаётган мустакил давлатимиз тақдир учун ниҳоятда масъулиятли бўлган ҳозирги дамларда дилдаги сўзларимни айтмай туролмайман.

Ешим 66 га кирди, умрим давомда утган оғир шароитларда, тилимиз ва дилимиз қулфлаб қўйилган вазиятларда ҳам миллатимнинг равнақи, фани, тили, маданияти ривожланиши учун озгина бўлса-да ҳисса қўша олдим.

Мен учун ҳозир буюк бахт — юртимизда бўлаётган, халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган тарихий, ижтимоий ўзгаришларнинг иштирокчиси бўлишдир. Мустиқлик учун курашда иштирок этган биз кекса авлод учун ватан ва миллат тақдирини ҳеч қачон иккинчи даражали масала бўлган эмас. Ҳа-дисларда Муҳаммад

ХАЛҚ ИРОДАСИ — ҲАҚ ИРОДАСИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг президентилик вазифасига қайта тайинлаш ҳақида референдуми ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу — ҳозирги

лар кўра олмайдиган, истиқболга пажна остидан ёки узманфаати нуктаи назаридангина қарайдиган кишилар раҳбарлик қилиши қанчалик оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яқин бошқа давлатлар хал-

тиб қолиб, хорихда сарсон-саргардон бўлиб юрганларнинг дардига ким малҳам топади? Халқро ташкилотлар курсатаётган ёрдам вақтинча қоринни тўйдирди, кийинтиради, лекин қалбдаги ватанга бўлган эҳтиёжни қондиролмайди-ку. Ўзбекистонни ҳақиқий демократик, ҳуқуқий давлатга айлантириш бизнинг асосий мақсадимиздир. Лекин биз давлат демократия халқимизнинг ахлоқ, одоб, ҳалоллик, андиша, иймон, виждон, жамоатчилик фикрини эътиборга олиш сингари миллий, диний қадриятларимиз билан боғлангандагина ижтимоий тараққиётимизга омили бўла оладиган сиёсий заминга айланади. Бу жиҳатдан Президентимизнинг Шарқда демократиянинг ўзига хослиги ҳақидаги фикрлари айниқса, эътиборлидир.

Халқнинг асосий кўпчилиги сайлаган Президентга ҳурмат — мамлакатга, миллатга бўлган ҳурматдир. Дундаги демократик давлатларнинг барчасида президентни ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг виждон амри ва бурчи ҳисобланади. Мустиқликка эришганимиздан кейинги давр доно халқимиз ўзига ҳақиқатан ҳам фидойи, жонқур юртбоши сайлаб олганини кўрсатмоқда. Халқимизда «тузган элни ботир тузди», деган мақол бор.

(Давоми 2-бетда).

Эркин ЮСУПОВ академик

БАРЧАМИЗ МАНФААТДОРМИЗ

мураккаб шароитда, миллатимиз ва давлатимиз истиқболлини ақл-идрок, иймон ва виждон билан ҳақ эътишимиз лозим бўлган ўта масъулиятли вазифадир. Кенг миқёсда ишлохотлар бошланган ўтиш даврда республикамизга ким раҳбарлик қилиши масаласига асло берафқ қараб бўлмайди. Бу айрим шахсгагина эмас, балки бутун миллат, мамлакат тақдирига алоқадор бўлган масаладир.

Ҳозирги шароитда янги тараққиёт йўлини танлаган мамлакатга ҳалол, фидойилик билан раҳбарлик қилиш масъулиятини фақат халқларвар, мард, қаҳрамон, ҳам босиқлик билан, узокни қуриб ўш қиладиган кишигина ўз зиммасига олаолди. Президентлик лавозимда қандай инсон бўлиши миллат тақдирини, мамлакат истиқболини унчун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Керак бўлганда қатъий, оқилона ва одилона чора-

ҚУТЛОВ

Тошкент. Зулфияга Азиз ва суюкли Зулфияхоним! Туғилган кутлуг кўнунгиз муносабати билан биз — аски ҳамкасб дустларингизнинг қизгин табригимизни қабул қилгайсиз.

Сизни ҳамisha эслаймиз. Сиздек оқила, истеъдоди билан Оснн, Оврупо ва бошқа минтақаларда донг таратган гузал аёлни эсламай буладими? Сиз доим қалбларимиз туридасиз.

Сизнинг Ўзбекистон халқ шоири, Меҳнат Қаҳрамони, Ватан ва халқро мукофотлар соҳиби акадигингиз билан фахрланамиз. Сиз фақат улкан истеъдод соҳиби бўлибгина қолмай, саботли қалб эгаси ҳамдирсиз, бу юксак фазилатлар ижодингизда, ижтимоий фаолиятингизда жозибали аксини топган. Яратганингиз ўзи ўзбек халқи учун Сизни баҳорнинг биринчи кунда ҳаёт ато этганида ҳам ажиб рамзий маъно бор.

Зулфияхоним, Сизга сихат-саломатлик, баҳорий кайфият тилаймиз, яратиш ишқи-севинчи ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин. Сизнинг майин табассумингиз, ажойиб шеърингиз бундан кейин ҳам ҳаётимизни беэайврсин.

Ёзувчилар уюшмаларининг халқро ҳамжамияти: **Михалков, Пулатов, Ҳамзатов, Мустай Карим, Муса Ғали, Козловский, Солоухин, Липкин, Қаноат, Берулава, Машбаш, Танзила, Зумакулова, Шипахина, Чув, Ниёзий, Ахёр Ҳакимов, Ғаниев.**

02. 03. 95.



Диктор Дилором УМАРОВА

АМЕРИКА ОПЕРАСИ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Яқинда ўзбек театр санъатида яна бир катта воқеа бўлди. Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театрида XX асрнинг буюк композиторларидан бири, америкалик Ж. Гершвиннинг «Порги ва Бесс» операсининг премьераси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан операга дирижёрлик қилган Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид ҲАҚНАЗАРОВА бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Аввало, ижодий жамоани янги асар, ўзига хос премьераси билан табриқлайман. Сизни бу сафар опера ва балет театри пултида кўрдик...

— Сабобини сўрайсиз-да. Аввало, бу ишга таниқли санъаткор Бернора Коржавиннинг ташаббуси тўғрйли киришдим. Қолаверса, бундан 10—15 йиллар муқаддам Гершвин асарларини ижро этганмиз. Демак, бу композитор ижоди менга таниш.

— Бевосита операнинг ўзига тўхталсангиз.

— «Порги ва Бесс» биринчи марта 1935 йил Нью-Йоркда қўйилган. Мана, 60 йилдан бун бу асар ҳақонинг кўпгина ийрик театрлари саҳнасида намойиш этилди. Негрлар ҳаётини олиб эзилган ва халқ муносибига таянган бу операни энди ўзбек томошабинлари ҳам кўришга муваффақ бўлдилар. Шунга ҳам айтиб ўтайки, бу томошани қўйиш ва шина-вандаларга тақдим этишда Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Америка — Ўзбекистон Қўшма корхоналарининг ҳиссаси катта.

Шуниси ҳам борки, композиторнинг ворислари операни фақат 10 марта намойиш этилишини шарт қилиб қўйдилар. Яна рақслар қўйилмаслигини сўрадилар. Чунки бу рақсларни негрларнинг узларидан бошқа ҳеч ким ўрнига қўйиб ижро этолмайди. Хуллас, шу шартларни қабул қилиб, операни томошага тақдим этдик.

— Операни Горкий номидаги рус давлат академик драма театрининг режиссёри Владимир Шاپиро саҳнага қўйибди. Иқтисодий ҳам тақлиф этилган ижодкорсиз. Бу қол-тўппа билан ишлашда қийинчилик туғдирмайдими?

— Тўғри, икковимиз ҳам театрга четдан тақлиф қилинганимиз. Бироқ биз бунни сезмадик. Ижодий жамоа билан тезда тил топишиб кетдик. Ҳамма артистлар ҳам узларига топиширилган ролялар ижросига астойдил, жон-дилилари билан ёндошдилар. Кези келганда шунга айтмоқчи эдимки, ўзбек композиторлари ҳам халқ муносибига таяниб, шундай асарлар яратсалар яхши бўларди.

Г. ФАЙЗИЕВА

«БАШОРАТ»

Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театрида янги асарнинг премьераси бўлиб ўтди. Эркин Самандар қаламига мансуб «Башорат» деб номланган бу асар музикасини таниқли композитор Султон Ҳайитбоев эзган. Асарни театрининг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев саҳнага қўйган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Маъдиев, Н. Ҳасанова, О. Назруллаева, М. Отажонов, Э. Қосимова, Т. Бекназаров, Н. Рустамов, Б. Холмирзаев, З. Пулатова, А. Мирзаева, Р. Солиқов, С. Пулатов, Д. Сафоева, М. Ихтиёрова ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Собир Бекматов ишлаган. Спектаклдаги асосий роляларни театрининг етакчи ва ёш актёрларидан Р. Маъдиев, Н. Ҳасанова, О. Назруллаева, М. Отажонов, Э. Қосимова, Т. Бекназаров, Н. Рустамов, Б. Холмирзаев, З. Пулатова, А. Мирзаева, Р. Солиқов, С. Пулатов, Д. Сафоева, М. Ихтиёрова ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Тошматов дирижёрлик қилмоқда. Саҳна безакларини рассом



АРХИВДАГИ УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси ҳузуридаги бош архив бошқармаси бисносиде 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Республика фахрийлар ташкилотлари уюшмасининг Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган бу учрашувда Тошкент шаҳар архив муассасалари ходимлари, халқ маорифи, матбуот, радио, кино, телевидение вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

Архив раҳбарлари ва масъул ходимлари йиғилганларга Марказий ҳамда Тошкент вилояти ва шаҳри Давлат архивларида сақланган уруш йилларида дахлдор ҳужжатлар ҳақида гапириб бердилар.

Уруш қатнашчиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов «Хотира» китоби яратилаётгани ҳақида сўзлаб туриб: «Уруш вақтлари углидан, турмуш уртонидан «қора хат» олган ҳамюртларимиз кўп. Улардан айримлари жигарбандларнинг улимизга ишонмай ҳаётини умид билан яшашмоқдалар», деди. Тошкент вилояти фахрийлар Кенгашининг раиси Акрам Олимов уруш қатнашчиларига кўрсатилган гам-хурликлар, берилган имтиёзлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари уруш йиллари кўнунгизларидан самарали фойдаланиш билан тарғибот-ташвиқот, ўқув-педагогика ва тарбиявий ишларни янада ривожлантиришни, урушда қатнашган ўзбекистонлик жангчиларнинг жасоратини ва халқимизнинг мамлакат ичкарисидидаги қаҳрамонона меҳнатини қадриятли, мамлакат ёшларини ватанга муҳаббат ва миллатлараро дустлик руҳида тарбиялашни энг асосий вазифа қилиб белгилдилар.

Р. ШОЙМАРДОН

АБАЙ АБАДИЯТИ

Ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти ва маънавияти хазинасига қўшган улushi — оқил ва мутафаккир фарзандларнинг ҳисмати, истеъдодлари, мероси билан улчанади. Қозоқ халқининг улғу шоири ва маърифатпарвари Абай Қўнонбой угли — туркий халқларнинг гурурига гурур, шўҳратига шўҳрат қўшиб турган мунаввар сиймодир. Зеро, ЮНЕСКО ташкилоти йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Қозоқ халқи, бутун туркий олам бу йил Абайнинг 150 йиллик таваллуд тўйини кенг нишонламоқда.

Пойтахтимизнинг «Баҳор» концерт залыда бўлиб ўтган «Абай уғитлари» адабий-маданий кечаси Ўзбекистонимизда Абай кўнунари бошланишининг хайрли дебобчаси бўлди. Йиғилган меҳмонлар, пойтахт меҳнатқашлари вакиллари, талабалар анжуманида улғу мутафаккирининг улмас ҳижматларида, қўшиқ ва насихатларидан баҳраманд бўлдилар. Сузга чиққан нотқлар — таниқли адиб ва таржимон Носир Фозилов, ношир ва муаддирис Қолдибек Сейданов, асарларидаги халқчил рух, инсоний туйғулор борасида фикр-мулоҳаза юритдилар. Таниқли қозоқ

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИНИНГ ЧАРОҒИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» маърузасида юртимиз тараққиётининг узок йилларга муқаддас дастури — замон ва келажак илгари сураётган барча тарихий вазифалар аниқ қилиб кўрсатиб берилди. Айни кунларда шаҳар ва қишлоқларда, жамоат ташкилотлари, корхоналар, идоралар ва олий ўқув юрталарида, мактаблар ва маҳалла-қўйларда Асосий тамойилларда зикр этилган вазифалар қизгин муҳокама этиляптир. Мухбиримиз А. ОТАБОЙнинг Навоий вилояти билан телефон орқали боғланиб, эзиб олган куйидаги сўзлари ҳам шу ҳақида хабар беради.

— Юртбошимизнинг маърузаси республикамизнинг истиқбол йўлини ёритган чароғ, дегим келади. Зеро, нутқда акс этган тамойиллар келажакка борадиган йўлимиз ва вазифаларимизни очик кўрсатди. Мен маънавият билан боғлиқ бир муаммага тўхталмоқчиман.

Бир пайлар вилоятдаги ижодкор учун Тошкентда китоб чикариш айна мушкул иш эди. Шарт-шароит ўзгариб, энди пойтахтдаги ёзувчи ёки шоир учун ҳам вилоятдаги китобини чоп қилиш унғайроқ бўлди. Аслида бунинг қурул томони йўқ. Ақсинча, қани энди вилоятимизда ўз наширивтимиз бўлса, деб юрардик. Бироқ кейинги пайтада шу нарсага амин бўлган.

Бир пайлар вилоятдаги ижодкор учун Тошкентда китоб чикариш айна мушкул иш эди. Шарт-шароит ўзгариб, энди пойтахтдаги ёзувчи ёки шоир учун ҳам вилоятдаги китобини чоп қилиш унғайроқ бўлди. Аслида бунинг қурул томони йўқ. Ақсинча, қани энди вилоятимизда ўз наширивтимиз бўлса, деб юрардик. Бироқ кейинги пайтада шу нарсага амин бўлган.

Президентимизнинг маърузасида маънавият масаласига кенг тўхталиб, «Ҳомийлик маблаглари чинакам бадий асарларга, чинакам ижодий тадбирларга сарфланиши шарт», деб таъкидлаб айтган гапларидан хулоса чиқариб олайлик. Чалакам-чатти китоблар ҳеч қачон адабиёт бўла олмайди, зинҳор бадий адабиёт қиёфасини белгилмайди, деб хотиржамликка берилмайлик.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

— Асосий тамойилларда олдимизда турган гоят муҳим вазифалар аниқ кўрсатиб берилган. Шунинг билан бирга кечги кунда ҳам, бугун ҳам зиммамизда бўлган, бироқ негадир «унтилиб» қўйилган жамиятимиз ижтимоий ҳаётдаги айрим иллатлар ҳам тараф очиб берилган.

Президентимиз матбуотининг

АДИБ БИЛАН МУЛОҚОТ

Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги олий педагогика институтида адабиётимиз намояндалари, таниқли шоир ва адиблар билан ижодий учрашувлар ўтказиш яхши аёнанага айланаб қолди. Яқинда маъмур даргоҳ тингловчилари — мамлакатимиз олий ўқув юрталаридан келган муаддирис-домлалар Навоий номидаги давлат мукофотининг соҳиби шоир ва адиб Шукрулло билан учрашдилар.

Учрашувни профессор Н. Худойберганов очди ва олиб борди. У шоирнинг қисқа таржиммаи ҳоли, ижодий фаолияти билан таништириб ўтди. Институт директори профессор Ш. Шаропов Шукрулло ижодидидаги ўзига хос қирралар, шеърларидаги хусусиятлар, насрий асарларида буртиб турган ҳаёт ҳақиқатлари ҳақида гапирди. Тингловчилар узларини қизиқтирган саволлар билан бевосита адибга мурожаат қилиб, батафсил жавоблар олдилар. Жонли ижодий сўхбат, мунозара ва савол-жавоблар якунида шоир янги ёзган шеърларидан намуналар ўқиб берди, келажакдаги ижодий режаларини ўртоқлашди.

Усен УМИРЗАКОВ

Фарҳод МЕРҒАНОВ, юрист

Нурота тумани

БАРЧАМИЗ МАНФААТДОРМИЗ

(Боши I-бета).

Миллатимиз даврларида ва совет тузуми чорларида уз миллий онгидан, бирлик ва бирдамлик туйғусидан маҳрум бўлиб қолаёзди. Бу — узок, кўна тарихга эга булган миллат учун ниҳоятда хатарли бир ҳол эди. Мана шундай бир даврда юртбошимиз миллатимизнинг онгини оширишга, маънавиятини ошқалтиришга, барча фуқароларда аҳиллик, бирдамлик, ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга катта эътибор берди. Улкамизда рўй бераётган миллий тикланишга миллий уйғониш, фаоллиши жараёни боғлаб кетди.

Президентимиз мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларини ҳар қандай жойда, турли шaroитларда қатъиян ва изчиллик билан ҳимоя қилиб келаятиганининг ҳам гувоҳи булмоқдамиз. Буни битта биз эмас, балки бутун жаҳон жамоатчилиги тан олмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг узига хос тараққиёт йули назариясини ишлаш ва уни амалга оширишга раҳнамолик қилиш ҳам Президентимизнинг хизматидир. Бу йул қироятхонликни, бошқа мамлакатлар тажрибасини шунчаки тақдирдан кўчириб олишни бутунлай истисно қилади. Халқимизнинг давлатчилик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасидаги анъаналарига асосланиш, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва яқин ўтмишда босиб ўтган йўлимиз сабақларини ижодий ва танқидий ўрганиш, таҳлил этиш ҳозирги тараққиётимиз йўналишлари ва йўлларини белгилаб олишга асос бўлди.

Ижтимоий, сиёсий ларзаларсиз, эволюцион йул билан истиқбол сари бориш ҳозирги тараққиётимизнинг асосий хусусиятидир. Эволюцион тараққиёт йўлининг имкониятлари ва афзалликларини илмий аниқлаш ҳам ижтимоий тараққиёт назариясига қўшилган улкан ҳиссадир. Бозор муносабатларига аста-секин ўтиш муаммоси ҳам бизнинг мамлакатимизда узига хос шаклда ҳал этилди. Гарб мамлакатларидаги бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши тарихини чуқур ўрганиб, биз бу тажрибани ўз республикамиз шароитига қўра тадбиқ этиш йўлини тушмоқдамиз. Мустақил тараққиётимиз шароитида шаклланиётган бозор муносабатлари халқимизнинг иймон, инсоф, ҳалоллик, меҳр-муруватлилик, инсонпарварлик, биронинг ҳақиқа хийнат қилмаслик сингари миллий қадриятлари билан боғланган. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сўзлаган нутқида қўрсатиб ўтганидек, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, табақаланиш сурбатлари кескинлашиб кетишига йул қўймаслик бозор муносабатлари шароитида давлат олиб бораётган сиёсатнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверади.

Мустақил тараққиётимизнинг беш асосий тамойили ҳақидаги гоялар ҳам қўлаб мамлакатлар учун амалий аҳамият касб эта олади. Ҳозир республикамизда маълум иқтисодий қийинчиликлар ҳам бор, албатта. Бизга тоталитар совет тузумидан ниҳоятда оғир мерос қолди. Бу — Ўзбекистон марказининг хом ашё базасига айланган қолгани, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари чекланганлиги, асосий йирик корхоналарнинг марказга боғлигани, мустақил ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмаслиги, қишлоқ хўжалигида пахта яққаоқимлиги ўрнатилиши, экологик вазият ниҳоятда оғирлашгани, аҳолининг турмуш даражаси ниҳоятда пастлиги, маҳаллий халқлар ичидан етишиб чиққан малакали иш-

чилар, мутахассислар камсонлиги ва бошқа мисолларда яқол қузга ташланади. 130 йиллар давомида шакланган ишлаб чиқариш тизимини тезликда ўзгартириб юбориш ҳам асло мумкин эмас. Бу борада ҳеч қандай енгил иш ва мўъжиза қутиш мумкин эмас. Бу уринда битта мўъжиза бўлиши мумкин, у ҳам бўлса — халқнинг сабр-тоқат, келажакка умид билан қилдирган фидокорона меҳнатидир. Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришга қўриб бўлган ягона куч — республикамиз меҳнаткашларидир.

Ҳозир Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий вазиятга ҳам оқилона баҳо бермоқ керак. Барча қийинчиликлар вақтинчаликдир. Президентимиз айтганидек, 1995 йил иқтисодий тараққиётимиздаги бурилиш нуқтаси бўлиши керак. Агар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлса, бу умидимиз албатта амалга ошади.

Ҳозир ҳам мавжуд қийинчиликларга қарамай анча ютуқларни қўлга киритдик. Иқтисодий тараққиётимизнинг суръатлари қўшни ҳамдустлик мамлакатларидагига нисбатан юқориқандир: бу курсаткич 1994 йилда Ўзбекистонда 1991 йилдагига нисбатан 2 фоиз кам ҳолос. Бу борадаги курсаткичлар Козогистонда 48, Россияда 44, Украинада 38, Беларусияда 32 фоизни ташкил этади.

Халқимизнинг турмуш даражаси ҳам бошқа қўшни давлатлардагига нисбатан анча юқоридир. Базилар Россияга бориб келиб, дўконларнинг пештахталари турли маҳсулотлар билан тўлиб-тошиб ётибди, дейдилар. Ахир бу маҳсулотларнинг 90 фоиздан ортиғи хорижий давлатлардан келтирилган-ку. Бу ҳол мамлакат ютуғи эмас, албатта.

Республикамиз раҳбарияти пахта, олтин ҳисобига хориждан галла олиб келиб аҳолини арзон нархдаги нон маҳсулотлари билан таъминламоқда. Икки йил ичида галла мустақиллигига эришсак, иқтисодий аҳволимиз яна ҳам яхшиланиши аниқ, албатта.

Козогистонлик дўстларимиз биздан менга «Яқшиям бахтимизга Ташкент, Ўзбекистон бор экан, ейиш, ичиш, кийиниш учун керак булган нарсаларни шу ердан олиб кетамиз», — дейишди. Тожикистондаги оғир иқтисодий аҳвол ҳақида гапиришнинг ҳолати бўлмаса керак.

Ҳозир Ўзбекистонда ишчи ва хизматчиларга тўланаётган иш ҳақи, нафақалар, талабалар олаётган стипендияларнинг миқдори ҳам қўшни давлатлардагига қараганда анча юқори. Биз сабр-тоқат билан ҳалол меҳнат қилсак, тез вақт ичида барча қийинчиликларимиз орқанда қолиб кетади, мустақиллигимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий заминларини янада барқарор бўлади.

Юртбошимизнинг қўшни мамлакатлар аҳолиси, айниқса зибиллар уртасидаги обрў-эътибори ҳам баланд. Атоқли туркман олими академик Огажон Бобоевнинг: «Эркин, ўзбеклар бахтли миллат, юртингизни Ислом Каримовдек ақли, доно, иродали инсон бошқармоқда», деган сўзлари асло ёдидан чўкмайди. Қўшни Козогистоннинг менга таниш булган зибиллари ҳам Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларга, айниқса миллий қадриятларини, маънавият ва маърифатни кўтаришга қаратилган тadbирларга юксак баҳо бермоқдалар. Қўшни Тожикистонда Президентимизнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Булар ҳаммаси битта Ислом Каримовга эмас, балки аҳиллик ва ишонч би-

лар уз мустақиллигини мустақиллаштириш билан тўқнашганда, Ўзбекистон меҳнаткашларига булган ҳурматидир.

Базан Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг баъзи оммавий ахборот воситаларида Президентимиз шайнига тўхнат қилиш, у амалга ошираётган тadbirlарни курашчилик ҳоллари учраб турмоқда. Лекин бизнинг карвонимиз ишонч билан олға бораётди. Етук раҳбарларга таъна тошларини отиш осон, лекин мураккаб шaroитда амалий иш қилиш қийин. Мевали дарaxтга тош отишди, дейди халқимиз. Лекин мевасидан халқ баҳраманд бўлаётган дарaxтга ҳадеб тош отиберишнинг касб қилиб олиш ҳам етук маънавият ва холис ниятиликнинг ифодаси эмас, албатта.

Базан Ислом Каримовни қаттиққўллик дейишади. Мен бу фикрга асло қўшили олмайман. Президентимиз шижоатли, керак бўлганда қатъият билан иш қилдирган раҳбар бўлса ҳам, унинг юмшоқ, олжондор инсоний қалби борлигини биланамиз. Унда одамларга меҳр-оқибатлилик хислатлари ҳам кучли.

Яна бир масала борки, жамият тарихининг оғир, масъулиятли даврларида фақат темир иродали, базан қатъият билан иш қилдирган раҳбарларгина ҳамийятни ҳалокатли, оғир аҳволдан олиб чиқишга қодир бўладилар. Миллатимиз, мустақил давлатимиз тақдирини учун масъулиятни ҳақ қилиш ҳаммаимизнинг бурчимиздир. Бундай даврларда мансабпарастлик ва гаразгўйлик гирдобига тушиб қолиш, ҳамма ишларга шахсий манфаатлардан нўқтан назаридан ёндашиш ниҳоятда хатарлидир. Мен ўз фикримизни барчага — хорижга бориб олиб ўзини мўъжир деб, эълон қилганларга, пананада ётиб иғво ва гараз уруғини сепаётганларга, ўтмишни қўсаётганларга қарата айтмоқдаман. Ҳозир ҳаммаимиз бирлашиб, аҳил бўлиб, қўлни-қўлга бериб ишлайдиган давр келди. Аҳил бўлмасак, биримизнинг гўштимизни биримизга едиришга тайёр бўлиб турган кўчлар ҳам дунёда йўқ эмас. Халқимиз, «Бирлашган узар, бирлашмаган тузар», деб бекорга айтган эмас. Ҳозир гап референдум устидагина эмас, балки миллатимиз, мустақил давлатимизнинг тақдирини устида кетмоқда. Улкан тараққиёт режасини белгилаб олган раҳбарларни тез-тез алмаштириб туриш ҳам жамият учун фойда келтирмайди. Президентимиз мустақил тараққиётимизнинг илмий асосланган йўлини белгилаб берди. Бу вазифаларни бажаришга ўзи раҳнамолик қилиши аниқ мўъжиза бўлур эди. 26 март кунини ўтказилаётган референдум халқимиз ўз олдидаги тарихий масъулиятни қай даражада англаб олганини курсатуви улкан синовдир.

Яқинда ўз адабиётининг таржимасига қизиққан италян биродарларимизнинг сазй-ҳаракати туфайли Дантенинг «Илохий комедия» (Абдулла Орипов таржимаси), Ж. Боккаччининг «Декамерон» (Қодир Мирмуҳамедов таржимаси), Карло Гоццининг «Бахтли гадолар» (Шукрулло таржимаси) асарлари мукофотга тавсия этилди. Шу муносабат билан «Бахтли гадолар» асарини яна бир қарра ўқиб, ўз мулохазаларини айтиш имкони туғилди. «Бахтли гадолар» кечанинг асариди, бугунгача етиб келди, демак, у эртанинг ҳам асаридир. Тақдир асарнинг бош қаҳрамонини юрт, халқ, аҳиллик, адоват учун синовлар, турфа ташвишлар гирдобига отган. У фақат ўзини ўйлаганида салтанатдан кечиб, оддий фуқародек яшашга қўриб, жасорати етмасди. Оддий фуқаро мамлакатда тартиб ўрнатолмайди, унинг кемтик жойларини тўзатишга ожиз, мавжуд жабр-зулмни, ноҳақликларни жасоратли, халқпарвар, миллатпарвар ҳукмдоргина йўқотишга қодир. Шоҳлик қисмати унга шунинг учун берилган. Лекин у бундай улкан, қўламли ишни содиқ, ҳамфирқ вазириларсиз, ишониб топширилган масъул вазифаларнинг етакчилирисиз амалга ошириши мўшкул.

«Бахтли гадолар» ана шундай ижтимоий-сиёсий гоя асосига қўрилган. Карло Гоцци асар қаҳрамонларини турли касб-кор эгаларидан танлайди. Унда воқеалар иштирокчисини амалдаги ва собиқ вазирилар, гадолар, масжид домласи — Имом, мамлакатни вақтинчалик бошқариб турган вазири Музаффар, бой-савдогар Тартаван ва бошқалар... Тақдир тақозоси билан ноҳақликка учраган инсофли, гайратли, мўъаббатли айбоний айбдорлар дунёнинг турли бурчидан — бири Венеция (Панталоне), бири Дамашк (Саид), яна бири Бергамолик (Бригалла Кувакчи)лар.

Бош қаҳрамон Ўзбек салтанати ишонган вазириларидан бири — Музаффарга топшириб, ўзи эса хорижга чиқиб кетдим деб, ниқоб кийиб пойтахтда яширинча яшайди. Шу уринда муаллиф Музаффарнинг қимлигига тўхтайли, унинг асли қасосб, риёкорлигини яшириб секин-аста амал зина-пояларини босиб ўтиб, ўзидек қимсаларнинг ёрдами билан салтанат ҳукмдори марҳум шоҳ Мирабалнинг ишончига қирганини ўғли тилидан шундай тасвирлайди.

Турт йилдирки, мени отам меросхўр қилиб ўз ўрнига қолдирганди... Сенига маълумки, У жуда ҳам заиф эди, қариган эди... Унинг учун бир тўп нодон нозирлар эса, Ҳукмронлик қилар эди, қалам босмасди. Шундай қилиб, нопок, ёмон одамларни у Бойқўлдоғ, халолларга зулм утказди.

Ўзбек отаси ҳукмдорлиги ва ўз даври ҳақиқатларини чуқур англаш, садақотни синаш учун ҳам узга кишилар қиёфасида яшашни маълум топади. Атрофдагиларнинг қимлигини, уларнинг ниятларини билишнинг бундан ортиқ сигналлар усули йўқ эди. У тож-тахтни йўқотишдан қўрқмайди: қонуний шохлик унга аталган, уники, лекин ўзи ишонган, халқ хизматини ҳалол бажариши

дики, уларнинг дардига Аллох шифо бермаса, бандаси ожизлик қилади. Бу тоифанинг яна бир талаби ҳам борки, ўзидек фикрламаган кишини ялантириш, раҳму шайфат суратиш, бир поғона паст туришини хоҳлашди. Афсуски, ўз қадрини билган киши асло узга йўлга қирмайди. Тили бошқа, дили бошқа мансабдорларнинг қинғир ишларини ҳар қандамда кураётган шоҳ Ўзбекининг иқрори шундай:

Ҳақиқатин билиш қийин! Ҳа бунинг учун Нозирларим баллафс, тулки, гаразгўй бўлмади Диянатли одамлардек бўлиши керак...

Шиддат билан кечаётган фитнаю хиёнатни тўсишнинг бирдан-бир йўли — уз қиёфасига кириш, агар шоҳ Ўзбек тезроқ ўзини танитиб, тахтига ўтирмас экан, қайғу шодликка айланмади, доим ҳақнинг йўлини ноҳақ

та усули билан уради. Инсофли, диянатли, ҳокимият илминю таъмасидан узок кишиларга ёмонлик сочади: «Қани менга ердан беринг, макру ҳийлалар, Бу дунёда биронинг заррача бахт топишга йўқ, мутлақо чидоломайман, маҳрум эгаман!» — дея барча ҳаракати сирини ўз-ўзига яна бир бор маълум қилади.

Қўпчилик — оддий фуқаролар учун парда ортида кечаётган, пинҳон туюлган хиёнат — вақт пойлаб, эгасига ташлаишдек «машқ-қа тайёргарликни шоҳ Ўзбек вазири Музаффар ва унинг гуруҳи мисолида уз қузи билан куради, уз қулуги билан эшитилади, лекин у ҳадеганда ўзини ошкор этмайди — танитмайди. Қутайди, рақибларига асл қиёфалари, мақсадларини ошкор этиш имкони беради. Қутайди. Қутиш шоҳ Ўзбек учун рив-

яшайтган, униб-ўсган қулба — Ватанин манфаат илнинжида булган, бир гараз ният, ҳаракатнинг касри бутун мамлакат фуқаролари жофеасига айланади, демоқчи. Ўз-ўзи билан келишмай жанжаллашиб турадиган қавмга ёвнинг кераги йўқ. Ҳар қандай, давлатни ташқи таъсирдан асраб турувчи куч фуқароларнинг ишончиди, бирлигида, озодлики ҳис қила билишигида.

188 йил олдин вафот этган италян ёзувчиси Карло Гоцци нечун асар Бош қаҳрамонининг исмини Ўзбек деб атади? Дунёдаги турли жабрдийдаларнинг бир ерга йиғилиши, шу жойдан бахт топишининг боиси нимада? Нечун султон Ўзбек йигирма хил қиёфага кириб, турт йил мобайнида ўз мамлакатни фуқароларининг аҳволини ўрганди?

Муаллиф адолат тантанасини буюк Амир Темур салтанатида эшитгани мисолида орзу қилган бўлса ажаб эмас. Шубҳасиз, Карло Гоцци бизнинг ўтмиш озодлигимиз — буюк Амир Темур даври шухратини тафаккури ила ҳис этгану, лекин сўнгги йиллардаги қарамлик давримизни ҳаёлига ҳам келтирмаган, бунга унинг имкони йўқ, чунки ўртамизда жуда олис вақт масофаси турибди. Шундай бўлса-да, «Бахтли гадолар» назаримда кунча ёзилгандек туюлади. Мамлакат бутунлиги, тинчлик-осойишталик, аҳиллик, адолатдек буюк мезонларни ўз манфаати йўлида четлаб ўтишга уринаётганлар учун муносиб жавоб, сабоқ буларни дарслик бу асар. Ҳар бир ўқувчи, томошабин уни қандай яқунлашишга қизиқиши табиий, албатта. Воқеалар сўнггида жуда хилма-хил хиёнат у адолатсизликлар шоҳ Ўзбек ўзини танитган, очилади. Ҳамма бир истак — ўч олиниши саҳнасини иштиқлик билан кутади. Уйинчи гуруҳнинг бошчиси вазири Музаффар сўзсиз жазога, қаттиқ жазо — ўлимга маҳкум. Лекин шоҳ Ўзбек уни ўлимдан-да оғир: саройига келгунча қадар шуғулланган касби — қасосликка қайтарилди.

Қатлу қийноқ ва шайфат-сиз қон туқишиқликдан Бошламоқчи эмасман ҳам Ҳукмронлиқкин:

Лекин сени қадим касбинг — ўз амалигда — Қасосликда қолдираман, энди тур, жуна, — деб жазолайди. Умр буйи шоҳ саройига интилган ва бу орзуси рўёбга чиққанда шукр қилиб ишлаш, ҳалоллик, садақотдан оғишмай оддий фуқарога қайишиш урнига пинҳон шохлик илнинчи билан яшаганларга шох саройини тарқ этиш ҳар қандай жазодан оғир. Биринчидан, улар банд оҳрдан нон еб қуниқан бўлсалар, иккинчидан, ўз қулларини чамалайбмайдилару яна кунгилда шохлик орзуси. Бу ҳам етмагандай қонуний тағ эгаси бўлмиш шоҳга чап беришга, алдашга, хиёнат тунини қийишга ҳаммаша шай турадилар.

Қўллик барчамизнинг эркимиз билан бирга тилимизни ҳам кишанлаган эди. Танқиддан қўрқар эдик. Шунинг учун ҳам базилар ордан' тош отишининг ҳадисини олган эди.

Бугун республикани бошқараётган Юртбошидан тортиб, катта-кичик барча тизимдаги раҳбарлар ўз фуқаролари каби мустақилдилар. Бу юксак шарафни биз қалам аҳли бугун тўғри англамоғимиз, қадрига етмоғимиз лозим.

Бир асарни қайта ўқиш туфайли айтган мулохазаларимни ҳуқуқшуноснинг қуйидаги сўзлари билан яқунламоқчиман: «Миллати, Ватанин, Президентига эга фуқароларгина менинг миллатим, менин Ватанин, менин Президентим, деб мурожаат этишга ҳақлидир». Аллох бизни фуқароликнинг фахрли, қудратли таянчи ва бирлигидан айирмасин.

Ражаббой РАҲИМОВ

КЕЧАНИНГ ВА БУГУННИНГ АСАРИ

керак булган катта-кичик амалдорнинг асл қиёфаси, юрагини билиш тахтда утириб шохлик вазифасини бажаришдан оғир, мушкул эканини олдиндан сезади...

Мамлакатни бошқараётган вазири Музаффар эса нафсига, тилига, қўфр ниётига эрқ бериб, шоҳга содиқ юртпарвар кишилар йўлини тўсади, уларни ортинда иғво тарқатиб, ҳам юртга, ҳам шохга хиёнат қилади, хуллас, ўзининг қимлигини — мансабга утиригунга қадар булган кечмишини унутади. Оддий фуқаро Панталоне хиёнаткор вазири ҳақида «Бутун дунёни ахтарганда ҳам бундай қўнғил қора ва ёмонликдан лаззат оладиган, ўта ифлос, кир гуруҳли одамни топиб бўлмас»... — дея нола чекади.

Аслидаку, ер юзининг исталган бурчаги дунё саналар экан, бундай қимсалар қим бўлишидан қатъий назар бу дунёда ортиқчадир. Гараз ниёт, сотқинлик, хиёнат юртни қўқартирмаган, аксинча хонавайрон этган. Сотқинлар қанча турланмасин, найрангларни қадилликка ярамайди. Қилмиш ҳар он, ҳар дақиқа шармандаликка судрайди... Ҳозидан ниқоби кўтарилган бандаси яна ўзини ҳимоя, баҳона панасига ашириб, биронини гуноҳкор санайди. «Мен ҳақман» деган қалтабин даъво, торлик, эътиқодсизлик ҳужрасида биқиниб ола-

пойлайди. Лекин шохни бир андиша тутиб туради. Ахир унинг ишонган, ўзи сийлаб, улар — рақиблар, ўзи тайинлаган катта-кичик жамики мансаб эгалари шу тўпқорнинг фарзанди, эл-юрт ташвишини бирга тортишни буйнига олган кишилар. Ахир амал инсонга юрту юртдошларини ейиш, мансаб илнинжида сотиш учун берилмаган. Адолат барчаннинг нони! Улар мени тушунишлари лозим. Агар манлакат фуқароларидан бирининг нони сабабсиз кемтик бўлса, унга бахиллик ва ҳасад нўқси урса ёки юртим, миллатим деб қунонданган, ўз ишини ҳалол урдалаётган тоза фуқаронинг овози бўлгиса, йўлига чоқ қазилса, етмагандаки, елкасига найрангбоз, уйинчи юк бўлиб ўтирса, бунинг жавоб таъбирларини МАНФААТ отлик якка, кўр истак — нафсдан сўраш керак.

Шоҳ Ўзбек қутишнинг одил шартларига тўла амал қилади. Орадан икки йил ўтади — рақиблар, шох бўлиш орузида ўзини турли қўйларга солган митти амалдорлар на инсофга келадилар, на ўз куч-қудратини баҳолай олади. Орадан уч, тўрт йил ўтади, рақиблар санига шохликка даъвогарнинг янгилири қўшилади. Улар бирлашиб мамлакатда рўвдан, фиску фуждурдан «мақтаб» очадилар. Гуруҳлар бўлиниб, гўё халқ, миллат манфаати йўлида заҳмат чекаётгандек гапириб, аслида эса ўз даъволари ила ҳар қандай бузгунчиликка шай ҳолда турадилар.

Охир-оқибатда шоҳ Ўзбек бу ҳолни ички бир изтироб билан теран англаб, шундай хулосага келади:

...Тахтда туриб билиш мушкул булган ишларни: Яъни сарой ичидида фиску фуждурлар, Нозирларнинг қилмишлари, мусофирлару

Уз халқимизнинг аҳволини яхши ўргандим.

Ҳа, албатта, зиефату байрамларда

Бахтсиз, қашшоқ фуқаронинг ҳолини фаҳм этиш, Амри маҳол. Чунки бизнинг атрофимизни

Куршаб олган учар, очқуз, ҳасис нозирлар

Нафси учун таъзим қилиб, макр ишлатиб

Ҳаммамизнинг кузимизни кўр қилиб қўйган.

Таржима этилганига йигирма беш йилдан ошган «Бахтли гадолар»ни қайта ўқиш жараёнида шундай иқроорга келдимки, дунёнинг қай бир бурчиди хиёнат тудайди, аҳиллик-ҳамжиҳатлик урини бошбошдоқлик эгалласа, фуқаро ўтмишини унуттишдек иллатга мубтало бўлса, ушбу қўсрининг аччиқ оғуси бир кунмас бир кун мамлакатни заҳарлаши мумкин. Муаллиф бу ҳукмини англатар экан, ўзининг



Хунармандлар.

С. МУСАЕВ суратта олган

ТАРИХИМИЗНИ ҲИММЯТДА ЯРАТАЙЛИК

Амир Темур бобомиз таълимнинг 660 йиллигини муносиб нишонлаш ҳақидаги Вазирилар Маҳкамасининг қарори биз учун буюк имкониятдир. Чунки Амир Темурга шу чоққача булган муносабатнинг ўзгариши бизнинг тарихимизга булган муносабатнинг ўзгариши ва тарихимиз қадр-қимматининг ошайтиридан далоятдир. Соҳибқирон бобомиз қилган ишлар шу чоққача етарли баҳосини олмади, камситиб келинганлиги тарихимизни ҳам, кемтик қилиб қўрсатган эди. Афсусларнари жойи шундаки, бундай бир ёқлама қарашлар бутун жаҳонга ҳам суний равишда

тарқатилган эди. Мажлисларда, учрашуларда, китобларда тарихимиз ва тарихдаги буюк сиймоларимиз ҳусусида андоҳга тушган бирёқлама фикрлар билдирилар эди.

Энди Амир Темур бобомизга булган турмуш муносабатининг шаклланиётгани бизнинг она тарихимизни тиклашга ёрдам беради. Бу имкониятга мушарраф бўлганимиз учун шукрлар қилишимиз керак. Севишли ҳафталигимизнинг 17 феврал сонидида «Ватан осмонда порлаган юлдуз» сарлавҳали давра сўхбатини ўқиб шуларни ҳис этдим. Ушбу сўхбатда ҳурматли олим ва ёзувчиларимиз айтиб ўтганларидек бизнинг эндиги



қанда умимиз ёзган асарларимизни жаҳонга ейтишимиз керак. Уларни рус, инглиз тилларига таржима қилиб тарқатиш зарур деб ҳисоблайман. Хорижда буладиган йиғинларда албат-

та иштирок этиб ўз маърузаларимиз билан чиқишимиз керак. Бу жуда зарур.

Бундай дейишимга сабаб хорижда Амир Темур ҳақида чиқаятган китобларда, илмий тадқиқотларда ҳам буюк бобомиз ҳақидаги қарашлар маълум андозалардан узгача эмас. Битта мисол келтирмаман: ўтган йили АҚШда булганимда Беатриса Маннинг китоби билан танишиб чиқдим. Унда фойдаланилган манбаалар ҳам, муаллифнинг қарашлари ҳам менга янгилик бўлиб туюлмади. Уша ўзим билган манбаалар. Демак янгича қарашларни жаҳонга ўзим ейтишимиз керак бўлади. Давра сўхбатиди Амир Темур

қанда муносиб асарлар, илмий тадқиқотлар, кинофилмлар яратиш зарурлиги ҳақида айтилган мулохазалар айни кунгилдаги гап. Уйлайманки, ватанимиз озодлиги босиб қолиларсиз эркин ижод қилиш имконига эга булган кўп адибларимиз бу йўлда ўз қаламларини чарқалмоқдалар. Шундай улғу ишга баҳоли қудрат қўл ураётган адибларимиз яраётган асарларни ҳам катта эътибор билан қўзатиб боришимиз, лозим бўлса уларга ўз вақтида холис муносабатимизни билдириб қўйишимиз фойдадан холи бўлмайди.

Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎТДИ МАВЛОНО ЁРИЙ...

Она диёримизда кўпдаб фозил, олим, шоирлар ижод этишган ва авлодларига улкан мерос қолдиришган. Муқимий, Фурқат, Заъкий, Муҳий, Қорий, Ражий, Писандий, Муҳаййир, Гурбат, Найирий, Нусрат, Котибий, Шайдоий, Мирзойи Хўқандий, Ножий, Муҳсиний, Зорий, Маҳмуд Ҳаким, Ёрий Хўқандий каби боболаримиз билан ҳақли равишда фахрлансан арзийди.

Хусусан, бобом мавлоно Ёрий (Мулло Ермухаммад Мулло Жаъфар ўғли) — 1853 йилнинг баҳориде яъни, апрел ойининг тахминан ўрта-лариде, Қўқондаги Бузруқжа маҳалласида, волеуруш оиласида дунёга келган эканлар. Отаси Муллажаъфар узига туқ ва ўқимишли одам бўлганлиги учун, ўғлини ўзи ўқитиб, 8 ёшга кирганда саводли қилгандан сўнг, шу ердаги «Мадрасайи Бузруқжа»га бериб ўқитган.

Бобом адабиётга жуда эрта меҳр қўйганлар ва Навоий, Фўзулий, Бедилларнинг ижодини урганиб, уларни ҳам гузал газаллар, мафтункор шеърлар яратган.

Хўзирга қадар бобом Ёрийнинг «султон уш-шаро» (шоирлар султони) ҳазрат Алишер Навоий газаллари билан 15 та мухаммаси аниқланган. Бобом Мавлоно Ёрий олим, фозил киши бўлиб кўпгина тилларни билган. Навоий, Фўзулий ва Фурқат газалларига ўзбек тилида, Жомий газалларига форс тилида ажиб ва жозибали мухаммаслар боғлаган. Чунон-

кистон халқ шоири Чархийнинг тиришқоқлиги туфайли бобомнинг шеърлари тўпланиб, 1945 йилда Тошкетда нашр қилинган.

Бобом 35 ёшларида, яъни 1888 йилда Фарғона вилоятининг, Ўзбекистон ноҳиясидаги Нурсухга қарашли Қўқонга қишлоғида, Туол қишлоғида, ниҳоят Даҳанаққир қишлоғида яшаганлар.

Даҳанаққир қишлоғида турган бўлиб қолишган ва то умрларининг охиригача (1944 йил 6 январда 91 ёшда қазо қилганлар) шу қишлоқда яшаб, шу ерга дафн этилганлар.

Бобомдан 19 та фарзанд қолган. Хўзирги кунда уларнинг томирлари бор.

Бобом деҳқончилик билан машғул бўлган.

Бобом билан ҳамсўҳбат бўлган пири бадавлат отахонлар, ишчи Ашуралӣ Камоллов, сарташо уста Собитали Турсунов ва ўқитувчи, жумурият халқ маорифи алочиси Султонқул ота Эсонқулнинг эслашларича, бобом сервак, сузга моҳир, хушқачмак, хозиржабо ва дилкаш инсон бўлган эканлар.

Бобом мавлоно Ёрий 75 йил ижод қилганлар, 50 минг байт шеър қолдирганлар. Бобом ўзи замонасининг пешқадам шоирлар Фурқат, Заъкий, Найирий, Қорий ва мавлоно Муқимий билан ҳамнафас бўлиб, улар ташкил этган адабий келажик фаол иштирок этган ва узига хос адабий услуб ярат-

ган. Узининг ажайиб газал ва шеърлари билан элга танилиб, шоир сифатида ном қозonganлар. Мавлоно Муқимий билан қалин дуст бўлиб, ҳамкорликда «Ит ҳақида ҳажв» «Кетиб» радиодифли газалларини ҳам яратганлар. Шу билан бирга жуда кўпдаб шоирлар устириб, вояга етказган: Чархий домла, Саидий, (Саидакбар Хўшимов), Марям Пошаларга илм бериб, уларга йўл-йўриқлар курсатганлар.

Ўзбекистон тумани ҳокимияти раҳбарлари раҳнамолигида киши дилини қувонтирадиган, уни эзгуликка қорлайдиган, ўз-ўзига танитиб, мустақил она диёримизнинг қадрини тиклайдиган бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Истардик, мавлоно Муқимий, Фурқат, Заъкий каби ўз замонасининг буюк шоирлари билан ҳамнафас бўлиб, улар қатори ўз она халқига чин дилдан хизмат қилган, Чархий домла, Марям Поша каби иқтидорли шоирларнинг камолотга етказган, ўзининг қалами туфайли Усмон Юсупов, Ҳамид Олимжон, академик шоир Гафур Гулом каби инсонларнинг ҳурматино қозонган, ўз авлодларига ҳам мерос қолдирган бобом—мавлоно Ёрий номи абадийлаштирилса, зоти шарифининг руҳлари шод булур эди.

Кўйида бобомнинг 1945 йилда нашр этилган шеърлар маъмуридан (Қўқондаги вилоят адабиёт музейида кўз қорачиқдек авайлаб, асраб сақланади) шеърларини ҳавола этишни лозим топдим.

Эркин ХАЁНБЎЙ

Ўзбек адабиёти Намуналари

Мени ҳадди жунунимни рияоят қилгон ўшайду.
Қисиб кўз тишлади лаб Ёрийга агёридин пинҳон
Висолига имо тарзи кифоят қилгон ўшайду.

БОҚИБ ҚОЛАМАН

Боқиб қоламан ҳайрон ул моҳи мунавварга,
Май йчмага ултурса ушлар майи аҳмарга,
Ишқингда забун ҳолим, мушкул этагинг тутмак,
Кўк саҳнида уйнайду, тушмас сира манзарга.
Ошуфта қилиб кўйдинг, олифга бўлиб юрдим,
Манзур бўламан деб сендек пари пайкарга,
Суз қотмага қорларман кўрганда ани ногоҳ,
Ҳайрон бўламан боқиб мўжонлари ханжарга.
Гар истар эрсанг кўнгул олмақни савобини,
Ширин ҳаракат бирла боққил дили абтарга.
Арзимини кима дерман, солмас қулогин ҳаргиз,
Шаҳ сулалмагай ҳаргиз гулунгда қаландарга.
Девона билан ҳаргиз уйнашмаки, бедардасан,
Сен зоҳиди худбинсан боқ юзлари заъфарга,
Ёйдек қошингга қурбон ким қилмади жонин,
Ёрийин дучор этили киприклари наштарга.

1908 й.

ТОЛЕЪДАКИ...

Толёъдаки бор эканман
Дилдорима ёр эканман,
Уртанибон ишқ утида,
Ман ошиқи зор эканман.
Чин куйи куйида бошим,
Ҳақонига хор эканман,
Туну-қун куйи-ой юзига
Чун зулмати тор эканман.
Алданган анга ёвуқлаб,
Фирқатда жувар эканман.
Уртанибон ишқ утида
Охирда кўёр эканман.
Шодлиқинг юзин кўрмай,
Гаму дарда дучор эканман,
Васлинг менга мўмин бўлмас,
Толёби узор эканман.
Дилдор ула манга мақсуд,
Ҳамдама боқар эканман.
Ёрийга дегайди дилбар,
Боқ менга нигор эканман.

ВАСЛ АЙЁМИ

Васл айёми кўнгул тиндурмасанг ҳам майлига,
Аргумоқи ишқ уза миндурмасанг ҳам майлига.
Ишқ туйғунинг чанголига бўлдим мубтало,
Они қорлай илгинга қўндурмасанг ҳам майлига.
Кўларимдин ёш тукарман ёр уза мисли булут,
Вақти кўлмада гийҳ ундурмасанг ҳам майлига.
Бир қиё боқмоқ ила кўнгул қушун сайд айладинг,
Парвариш қилсанг ани сўндурмасанг ҳам майлига...
Дуди зулмат ичра кўйди толемини шумлиги
Шамдек равшан этиб ёндурмасанг ҳам майлига.
Сенинг ишқинг ёр Ёрийга эрур айшу нишот,
Пора-пора кўнглини синулдурмасанг ҳам майлига.

1915 й.



Мавлоно ЁРИЙ

МУҚИМИЙ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ КУНИДА

Кетди жаҳондан бежон Муқимий,
Қаҳронинг бўйсин имон Муқимий.
Тинч ёт жойингда, раҳмат ёгилсин,
Раҳматга олсин Раҳмон, Муқимий.
Чеккан эдинг сен дунё гамини,
Вақти кетарда арзон, Муқимий.
Қоқдим фаноя чун дурри қиймат,
Баҳо қуйилди аълон, Муқимий.
Ҳуқуматимиз сайлаб китобинг
Газеталарга ёзгон, Муқимий.
Ҳар бир сўзинг дурри хушоби
Ёқдирди уза даврон, Муқимий.
Шоирлар этмиш ҳужрангн маскан,
Кетди ашъоринг харён, Муқимий.
Ёрий дуогўй келди Қақирдан,
Ҳўжрангда бўлди меҳмон, Муқимий.
1941 й.

НИГОРИМ УТДИЛАР

Нигорим утдилар, манга қаролаб,
Ман орқада қолдим анга мурولاб.
Қиё боқиб отди киприк ўқини,
Жонимга қор этди қуксим аролаб.
Бир йула ултурмай оқир нетарсан,
Пайқонинг ўқидан бағрим яролаб.
Ёрийн чаманзоринг ичра кўзидек,
Юргаймуди сабзаларинг аролаб.
1910 й.

ДОДИМГА ЕТМАС

Додимга етмас ул шоҳи хубон,
Тинмай қилурман фарёду афгон.
Раҳи айламайду кўзим ёшга,
Оқса кўзимдан дарёйи уммон.
Кайфим бўзулди, жоним зулуди,
Менга сузудди юзлари чўлпон.
Эй шўхи раъно, қони милоҳат,
Чекдим жафолар ишқингда чандон.
Парийин кўрган ҳайратзадалар,
Ҳўсининга бўлдим мен зор ҳайрон.
Жоду кўзининг афсусларидан
Жисмимда йўқдур бир зарра дармон.
Дилбар висоли бўлса мўяссар,
Ёрийда доғи қолгайму армон.
1914 й.

ҚУЛОГИНГА БОШ ЭЛТИБ

Қулогинга бош элтиб қош шикоят қилгон ўшайду,
Бурин қилган гуноҳлардин ҳикоят қилгон ўшайду.
Мени улдургани кўз мардуми мўжон бўлиб саф-саф,
Гуноҳдор деб қалам қошинг ривоят қилгн ўшайду.
Кўзинг жаллоди мўжон ханжарин тутмиш чапдаста,
Қошингн бир имосини ҳимоят қилгон ўшайду.
Мени ултурмаққа ул шўх тағофуга солиб ўзини
Қилиб шафқат манга лутфу иноят қилгон ўшайду.
Қилиб ман телбалик бемархабо сузлар дедим анга



Мени оғиз дил сўзи

Сизга... Марҳум Максим Каримовнинг «Инсонликка номзод» асарига Алиев образини эслайлик. Ҳалол инсон: меҳрибон раҳбар, кеча-кундуз элим, деб ёниб яшайдиган раҳбар тимсоли. Бугунги раён ва вилоят ҳокимлари андоза олса арзийдиган инсон қўвбаси.

«Нега энди халқ, оддий ишчи ва хизматчи, давлат молини савдогардан икми-ч баробар қимматига сотиб олиши керак», — деган сузлар билан залга тушиб келганингизда томошабинлар қарсақ чалиб ўринлардан туриб кетишар эди. Айни бугун халқнинг дилидаги гаплар эмасми!

Сиздаги ижодий имкониятларнинг беқисслиги, ҳар бир образнинг узиғина хос бўлган шаклу шаклини тола олишингиз, ташқи ва ички дунёсини имо-ишоралар орқали яратиб олиш қобилиятингизни қуриб, наҳотки бир одам узида шунчалик кўп хислатларни сиздирга олиши мўмкин, деб ҳайрон бўлар эдим.

Яна ролялар... Алиев билан, Овечкиннинг «Агир» асаридеги Борзов, Молернинг «Сохта оқсуяк» асаридеги Дорант, Алишер Навоий, Заргаров, Шекспирнинг «Ричард III» асаридеги Герцог билан «Жан-Жак» асаридеги Шогулом... бир-бирига мутлақо қарама-қарши образлар...

Сиз учун қўлтуғ бўлган шу кунда яна бир ижодий маҳсулингизни эсламоқчиман. Ўзбекистоннинг қайси бир сарҳадида назар ташламайлик, Сизнинг қадимингиз этмаган жойини топиш қийин. Юнус Ражабий номидаги Жиззаҳ вилоят театри ва Олий Ҳужаев номидаги Сирдарё театри ижодий жамоаси билан юртимизнинг энг чекка қишлоқларида бўлиб, санъатнинг сеҳрли чиринини ёқиб келгансиз. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, қушни Қозғоғистон ва Қирғизистон, Тожикистон... Қайсига бормайлик, одамлар «Ҳамид ака кептилар» деб клубга оқиб келардилар. Сабаби битта: эртдан кечгача қадок кўлларидан кетмон тушмаган одамларнинг қалбига образларнинг орқали шамчирғор бўлиб борасиз.

Яна бир гап: Бундан беш-олти йил муқаддам режиссёр Тolib Ҳожи Ҳамидов «Қабрдаги ҳазина» номли куч қисмли телевизион филми яратди. Бу филмингиз таъсир кучи шунчалик шиддатли эдиким, унинг навабдаги қисмини томошабинлар сабрсизлик билан кутишар, вақт етгач зарур юмушларини ҳам йиғиштириб, «ойнаи жаҳон» қаршига ошиқиларди. Филмингиз бу қадар шов-шувга сабаб бўлишини, сузсиз сизнинг Саид Каримов образини нақадар маҳорат билан ижро этишингизда деб биламан.

Ҳатто театр администратори Равшан Ражабов қаерга гастрол сафарига бурса, одамларни спектаклга қорлар экан: «Ур-тоқлар, бугунги спектаклимизда «Саид Каримов» ролини Абдуҳамид Гофуров уйнайдилар», деб эълон қиларди. Ана томошабин-у мана томошабин... Эсламак эҳ-эҳ... Эслайдиган гаплар кўп. Аманга тўйда кул гапта ҳоҷат йўқ. Бугун сизнинг туйингиз. Кўп минг сонли мухлис ва дўстларингиз қатори, муборак 60 ёшингиз қўтулг бўлсин, дейман.

Ҳали Сизни ижро этмас қолларингиз олдинда интиқлик билан кўтиб туришипти. Узоқ умр кўринг. Соғу саломат бўлинг. Ижодий парвозларингиз яна ҳам юксак бўлсин.

Сузмин яна Навоий бобомизнинг сузлари билан ақна-моқчиман:

Хўб эл била сўҳбат тугубон хўб улти,
Яхшини тилаб қилгилу мазлўб улти,
Ширин суз ила халққа марғуб улти,
Юмшоқ де ҳадисингнў маҳбуб улти.

Жўра МАХМУД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
режиссёр

«ШИРИН СЎЗ ИГА ХАЛҚКА МАРҒУБ УЛГИН»



А. ГОФУРОВ «Олтин қоси» спектаклидаги АЙОМОН ролида

Сизнинг умрингиз ҳар қанча ҳавасга лойиқ умрди, Ҳамид ака! Яратган образларингиз шунчалик кўпки, қайси бирини эслаб, қайси бири ҳақида сўз юрият?...

...1982 йил. Қўқон. Гастрол сафари. Кечқурунлари дала меҳнатқашларига спектакллар курсатамиз. Кундузлари эса, шаҳардаги, Ўзбекистон халқ артисти Занжирали Мирзаатов номидаги маданият уйида, Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» спектакли устида ишлаймиш...

Сиз бўлса қишлоқда қанчалик кең қайтишимизга қарамай, тонг саҳарда туриб шаҳар айланасиз. Гоҳ бозор, гоҳ расталар, гоҳ чойхоналарда одамлар билан гаплашасиз. Узингиз яратган Заргаров Ҳузуржон образига мўқоаса қидирар эдингиз. Кўп баҳслар, ҳатто аразлашиб қолган кезларимиз ҳам бўлган. Саҳналаштирувчи режиссёр бўлишимга қарамай, ўз талқинингизни сингирдишга ҳаракат қилар эдингиз. «Пора» саҳнасида очиқ-ойдин тама қилмай, чўнтагингизнинг устидан бир-икки уриб қўядингиз. Ҳайронман, бу ҳаётини оддий қилиқни қаердан топдингиз экан? Ўз мансабига тиш-тирноғи қанча ёпишиб олган, уни тинмай суиистемол қиладиган, тоталитар тузумнинг лунда тимсолини, шу қадар маҳорат билан ақс эттирар эдингизки, баъзан шу образни ўзим ҳам ёмон кўриб кетардим. Ролялар... ролялар... ролялар.

1985 йил. Шериятнинг буюк даҳоси Алишер Навоий роли устида оляб борган изланишларингиз кенгайдек ёлдимда. Репетицияларга ҳаммадан аввал келиб, кийинчи саҳнага чиқиб олардингиз. Сизга аллақачон ёд бўлиб кетган бўлишига қарамай, қўнгиғиздан рол дафтарингиз тушмас эди. Ҳар бир кичик саҳнани ҳам қайта-қайта такроқлайсиз. Баъзан саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гофур Ҳамидуллоев: «Ҳой Ҳамид, бўлди-да бир саҳнани бунча қайтарсан, нима, ёғи чиқармиди?», — деб танбех бурса; «Йўқ, Навоий улкан сиймо, унинг ҳар бир қадами, қарашини, имо-ишорасини, сўзини, суз охангига қўйишга етган бўлиши керак», — деб ўярлик қилардингиз. Ҳатто Навоий гримини ҳам ҳеч кимга ишонмай, ўзингиз бажарар, соқол-муйловини ўзингиз билан бирга эҳтиётлаб олиб юрадигингиз. Ана шу меҳнатларингиз самараси бўлса керак, асар қабулига келган муаллифи Иззат Султон, халқ артисти Сора Эшонтураевага Сизнинг талқинингиз ута маъқул бўлган эди. Спектаклдан кейин ҳам таниш-билишларингиз, «Ҳа, Навоий бобо» деб хўшмад қилишарди

ПАРАЛИНГИСТИКА — ТИЛШУНОСПИКНИНГ ГАРОЙИБ СОҲАСИ

Хўзирги давр жаҳон тилшунослигида социолингвистика, этнолингвистика, антропологистика, психолингвистика, лингвосомиотика каби турли йилли йўналишлар билан бирга нисбатан янги ва жуда қизиқарли бир соҳа вуҷудга келдики, у «паралингвистика» (лотинча парат — атрофида, доирасида) деб аталади, ақойиботларга тўлиб-тошгандир. Паралингвистик воситалар иккига бўлинади: а) имо-ишора ва мимикани урганивчи кинесика; б) нуқтизмиздаги товушлардан узагча турли овоз, ҳайқирик, ҳис-ҳажон кабиларга тегишли — фонация. Кинесика ва фонация терминлари лотин ва юнонча бўлиб, биринчиси ҳаракат билан, иккинчиси товуш билан боғланади. Бу соҳа ўз номи билан тилшунослик «доира-сига кирувчи «овозли» (фонация) ва «овозсиз» (кинесика) нутқ воситаларини ўз ичига олади. «Паралингвистика» ва «паратил» терминлари ҳозир кең қўлланмоқда. «Паралингвистика» терминини 1958 йили америкалик олим А.Хилл тақдир этган. Унгача бу термин урнда «товуш ишоралари» (Е.Д.Поливанов), «паралингвистик товушлар», «нутққа хос бўлмаган товушлар» (америкалик олим К.Пайк) ка-

би терминлар қўлланган эди. Қизиги шундаки, паралингвистиканинг асосини Ўзбекистонимизда яшаб, хизмат қилган буюк тилшунос, профессор Е.Д.Поливановдир. У 1919 йили ёзган «Япон тилида товуш ишоралари» асариде овоз охангининг турлича узғаришлари, нутқ тезлиги, товушини кучли ва кучсиз талаффуз этиши ва унда нутқ аъзоларининг ҳар хил ҳаракати, имо-ишора ҳамда мимикани урганивчи тилшуносликни драматик санъат назарияси билан боғлайди, деб курсатган эди. Унинг бу изоҳи ўз кучини сақлаб келмоқда. Профессор Е.Д.Поливановдан кейин бу соҳада ўз тадқиқотларини эълон қилган олимлар ҳали кўп эмас, чунки у нисбатан янги ва андигина ривожланиб бормоқда. Бу соҳада АКШ ва Канада олимлари — А.Хилл, Э.Халл, К.Пайк, Ж.Трейгер, Ф.Пойатос, Ч.Хокет ҳамда Г.В.Колчанский, И.Н.Горелов (Россия), Ж.Кетфорд, Д.Кристал (Англия) каби бир қанча тилшуносларнинг илмий ишлари боғлиган. Улар ичиде Канададаги Янги Брунсвик университети профессори Фернандо Пойатоснинг «Паратил. Нутқ ва товушнинг ички фолонгига тилшунослик ва узаро боғлиқ соҳалар жиҳатиде ёндашиш» (Амстердам-Филладелфия, 1993, 473 бет; инглиз тилида) китоби диққатга сазовордир. Бу китоб «Тилшунослик назариясига оид замонавий нашларлар» IV туркумининг 92-жилдини ташкил этади ва унга Оттава университети профессори Е.Ф.К.Ковернер бош муҳаррирлик қилган.

Профессор Ф.Пойатос паралингвистика соҳасидеги энг мукаммал ва чуқур илмий рисоласи билан машҳур бўлиб кетди. Китоб охирида қурстатилган адабиётлар рўйхати қараганда, Ф.Пойатос салкам уттиз йилдан бери фақат паралингвистика соҳасида унлаб китоб ва мақолалар эълон қилган. Мазкур рисола сузбоши, етти боб, ҳулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Паралингвистиканинг турли фанлар ва улариинг соҳалари, хусусан, биология, физика, анатомия, психология, маданиятшунослик, семантика, кино ва рақс санъати, педагогика, этика, кабилар билан боғлиқлиги шубҳасиздир. Чунки бирор товуш, имо-ишора ва мимика ҳар томонлама урганилиши мўмкин. Профессор Ф.Пойатос паралингвистик воситаларини илмий тадқиқ қилишининг хўзирги муаммоларини алоҳида қурстатиб, унинг жамиятдаги иқтисодий хизматини, турли миллий маданиятларга хос хусусиятларини кийсий урганиши, имо-ишора ва мимикага доир атласлар тузиш зарурлигини ёздади. Ана шундай паралингвистик атлас ва лундларда инглиз, француз ва рус тилларида тузилган. Қизиги шундаки, биз инсон талаффуз қилувчи нутқ товушларини тасниф этишда фа-

кат тил, лаб, бўғиз, юмшоқ тагга-лай каби нутқ аъзоларининг ҳолатига эътибор берамиз. Аслида бошқа нутқ аъзоларининг бир-бирига тегишли ва узагча ҳаракат натижа-сида инсон ҳис-ҳажонини, кайфиятини, ҳолати ва бошқа шариотларига боғлиқ жуда кўп товушлар ҳосил бўлади ва улари тасниф қилиш анча қийиндир. Ф.Пойатос шундай паралингвистик товушлардан олтимтаҳа яқинини аниқлайди, уларга изоҳ беради ва алоҳида транскрипция-талаффуз белгиларини ҳам тақлиф этади.

Инсон нутқ аъзоларининг имконияти шунчалик кенги, у ҳар қандай товушини талаффуз қила олади. Шу сабабли ҳам инсон истаган чет тилини ургаана олади. Ф.Пойатос нутқнинг анатомия ва физиологияси деб атаган схемада (49-бет) юзга жини нутқ аъзолари ва улариинг қисмлари қурстатилган. Фақатгина буғизда товуш пай-каларининг тўрт турли ҳолати (нафас олинганда, нафас чиқаришда, охида сузланганда ва талаффуз пайтида) аниқланган. Ф.Пойатос қурстатиш-ча, инсон мулоқотда ҳақиқатда ўч-та жиҳат, яъни оддий тил, фонация ва кинесика муҳасамалашган бўлиб, кейинги иккитаси «паратил» деб аталади. Нутқда ўз фикри ва ҳис-ҳажонини интонация ёрдамида ифодалаганда, овознинг бала-деб-пастиги, бўғиларининг чўзиқ-қисқалиги, нутқнинг тезлиги кабилар сузловчининг асосий паралингвистик «сифат белгилари» деб қаралади. Яна бошқа овознинг сифатига боғлиқ белгиларни бири-бирига боғлиқ қилиб, лабарини бир-бирига боғлиқ қилиб мураккаб ҳолатларда пайдо бўлади. Профессор Ф.Пойатос ҳис-ҳажон ва узагча физиологик ҳолатларда қўлги, йнги, бақуриш, энаш, йўталмиш, томоқни тозалаш каби турли ҳолатларни изоҳлайди ва бу хусусиятлар кўпгина миллий одат билан боғлиқлигини ҳам қурстатиб ўтади (245-376-бетлар).

Мазкур китобнинг имо-ишора ва мимикага доир бобиде улар бош, кўл, елка, оёқ, кўз, лаб, пешона кабилар ёрдамида амалга оширилиши ҳамда ҳар-бир аниқ ҳаракатнинг турли шароит ва ҳолатда рўй бериши, булар ҳам миллий руҳ, маданият, одат билан боғлиқлиги баён қилинган. Баъзан имо-ишора ва мимика инсон нутқига жўр бўлади, уни бошқариб боради. Лекин баъзи ҳолатларда улар ёқи ишлатилиб, бирор жумланни ёқи унинг бирор қисминини аниқ ҳаракат ёрдамида ифодалай олади. Бу урнда инсон ўз нутқини «тежади» ва имо-ишора, мимикалардан фойдаланади. Имо-ишора ва мимика айниқса актёрлар ва раққоса-

лар учун жуда муҳимдир. Имо-ишора ва мимикага тегишли ҳаракатлар инсон тилида жуда кўп сузлар билан ифодаланиши мўмкин. Бундай сузлар ва ҳатто тиниш белгилари профессор Ф.Пойатос фикри-ча, ёзма нутқда, матнда ва драма-тиқ асарларда паралингвистик воситаларини ўрнини босади.

Жаҳондаги турли халқлар қўлайдиган паралингвистик воситалар — фонация, имо-ишора ва мимика жуда хилма-хил. Масалан, Хиндистонда ва бошқа баъзи мамлакатларда таниш кишилар бир-бирлари билан кўп бериб қўриш-майдилар, балки ўнг қўлининг қад-фтарини кукракка қўйиб енгилги-

«Ҳазина» ижодий-илмий ишлаб чиқариш бир-лашмаси жамоаси бир-лашма муҳаррири Насира Ҳожимурод қўрига Усир йўлдош

Шўҳрат УМАРОВ бовақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия из-ҳор қилди.

«БҲ БОҒДА КЕЗМОҚНИЧТ ҲЗИ — ШЕРИЯТ»

Даврон Ражабнинг шеърларидаги ичкин бир руҳий боқимезлик, шаклий оозлик ҳеч қачон битилмаган қонунлар жаҳоҳиротиға бўйсинади. Бу қонунлар, бу мезонлар асрорини маънавий гузаллиқнинг саноксиз товланишларидаги жишваларига муҳтож юракларинга идрок эта биладилар.

Давронни ёш шоир деб атамас ҳам буларди. Лекин, аслида, шоирнинг ёш-қарисини булмайди. Ҳар бир чинамак шоир айнаи бир пайтнинг узида ҳам боллардек бегубор, ҳам мўйсифидлардек донишманд бўлмоғи керак. Даврон Ражабда ана шу икки фазилат мутаносиб... Асар ҳақида беметёр гапирармиш — уқувчи дилига билдирилган шубҳадир. Шунинг учун ҳам таърифу тавсифлардан тийлиб, сизни шоир билан юзма-юз қолдираман. Зеро, Даврон Ражаб — узи ва сузи ҳайратланарли даражада бетафовут.

Лекин йўқолганда билдинг
Бор экан у ***
Ҳамма нарса узгарди бу
дунёда ***
Ҳарбланиши узгарди
Дустлашини узгарди
Тиллар узгарди
Ҳарфлар узгарди
Лекин Ота қолди
шундайлигига ***
Менга болам дейдиган
Она қолди ***
Кўз ёш ҳам қолди
Узгаргани йўқ, ***
Соҳилда бир қиз
Суғи солиб ик
Мажларга ўйнар
Сув эса оқар
Курмайди қизини
Гар қуриб қолса
Оқим тузларини ***
Узинга кўп ваъдалар бериб
Устидан чиқмадми ҳеч бирини
Сенга жулда кўп эди гулгим
Қўллар босди мени севганим

Халд — овозсиз сўҳбатдир
Сен билан ***
Қушларсиз қўрағиз
бир-биримизни
Эндан мен сенсиз қолмайман
Ичимда яшайман
Сен билан ***
Нимадир йўқ
Тутуриб қолдиргандексан
Нимандир
Оддини уша бор нарсани
Пайқамас эдинг ***
Тилларинг бўлмаса ҳам
Муҳаббатини қуйласа
булаверар ***
Сузларинг бўлмаса ҳам
Муҳаббатини йилгилса
булаверар ***
Қў

Утган йилги Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган ҳинд киноиндустрияси тарихини суратга олинган «Маҳобҳорат» видеофильмининг бутун республика қизиқиш билан томоша қилди, десак ҳақ қилганга бўламиз. Фильмнинг бу қадар муваффақиятли намойиш этилишида уни ўзбек тилига ўтирган ижодкорлар хизмати беқиссидир. Қуйида ана шу ижодкорлардан бири, таржимон Амир ФАЙЗУЛЛА билан сўхбатни эътиборингизга ҳавола этаймиз.

— Амирхон ака, Сиз Галлаворол туманининг шундоқ биқинидан ҳайқариб оқётган Сангзор ариги буйдаги Сарбозор мавзесиде катта бўлган «ўзимизнинг йигитлардан» эканлигини билан фахрланамиз. Сизни жаҳон адабиётининг нодир асари таржимасини поёнига етказганлигиниз билан қутлаймиз ва бир неча савол билан мурожаат қилмоқчи эдик.

— Раҳмат, бажонидил.
— Сизни ҳинд адабиёти намуналаридан қилган таржималарингиз орқали билардик. Ма-на, икки йилдирки, буюк «Маҳобҳорат» ҳинд достони асосида яратилган кўп қисмли видеофильм орқали томошабинлар қалбига янада чуқурроқ кириб келди. Бу улкан ишга қанча тайёргарлик қўйдирингиз?

— Аслида, эсимни таниганимдан бошлаганман десам муболага бўлмайди. Сабаби, ҳиндий тили билан шў ва ўзбек тилига таржима қилиш бу ишнинг энг суғги палласи, балки бир умрлик ҳаётий ва илмий тажрибаларимнинг яқинидир. Бутун бир буюк халқнинг неча минг йиллик тарихини қамраб олувчи қудратли достонини таржима қилиш учун ун кунлик ё бир ойлик, борики, бир йиллик тайёргарлик кифоя қилмас эди. Мен, аввало, ўзбек тилидек муқаддас тилни ўргатган меҳрибон онажонимдан мингдан-минг розиман. Худо бу буюк инсоннинг охиратини обод, жойини жаннатдан айласин! «Маҳобҳорат» фильмдаги барча оналар ва аёлларнинг гапини айнан онажонининг тиллари ва дилларидан ўтқариб таржима қилдим.

Филмдаги барча эркак шитирокчиларнинг гапларини эса падари бузрукворим (тангри у зотининг жойларини жаннатдан ота этган бўлсин) забонлари воситасида қайта ирод этказдим.

Менга ун бир йил урта, беш йил олий маълумот берган таълим олим даргоҳлари ва азияз муътабар устозларимга ҳам қайта-қайта тазйим бажо этаман.

«Маҳобҳорат» достониде ота-она ва устоз борасиде жуда кўп ҳикмати сузалар айтилган. Ота-онадан ҳам устоз улуглик қиладиган пайтлар бўлади. Лекин фарзанд учун бу иккаласининг ўрнини босадиган учинчи буюк зот йўқлиги қайта-қайта таъкидланади. Мақтабдаги биринчи устозим асли хизасхил Анварот она Саидмуродова бўладилир. Мени у болаларидан ҳам яхши қурганлари сира-сира эсимдан чиқмайди.

Дорулфунундаги ҳиндий тили устозим ҳам аёл муаллима Тамара Олим қизи эдилар. Қўрқинимиз, ёшлигимдан нукул оналар парвариси қанда бўлганман. Еруг дунёнинг барча иш ва ҳодисотини оналар қўёғасиде тасаввур этиб қилган одамгина унинг гўзаллигини, муқаддаслигини чуқур ҳис эте олади. Чунки барча одам зот бона бўлса, уни бир умр парвариси қиладиган мураббий — бу Еруг олам, яъни Табиатдир. Табиатта бефарқ бўлганлар онага бефарқ саналадилар. Узлатдалик ҳолларида газабдан дарахларни чапайиб укаларини адолатпеша Юдхитр каттиқ уришиб бергани ёдингизми? Ҳа, Она ҳам Она Табиат ҳам бирдеқимга эди. Менинг она зотига бўлган ҳурматимга, эътиқодимга уч Она тамал тошини қўйган. «Маҳобҳорат»даги Кунтий, Гандхарий ва Драупадий училиғиде мен шулар сиймосини қургандек бўлганман. Умуман, қайси замонда, қандай шароитда яшаган бўлмасин, оналарнинг юраги бир хилде садо бериб туради, уларнинг дардлари ва шодлиқлари шу қадар бир-бирига ухшаш бўладики, ҳайрон қолсангиз киши. Сабаби битта: Оналар учун дунёдаги энг азиз нарса бу фарзанд!

— Сўбат мавзуси бевосита образлар тавсифи томон бурлиди. Ҳозир айтганингиз Кунтий, Гандхарий ва Драупадий ҳақида нималар дея оласиз?

— Бу учаласи ўн олам. Кунтий фарзандлариға турғи тарбия берди: уларнинг адолатли, ҳақиқатпўй, ҳалол, пок инсонлар бўлишини хоҳлайди. Бунга аввал ўзи риоя қилади. Угилларининг адолатпеша эканидан фахрланади. Ёлгон сузлаш нақадар оғир гуноҳ эканлигини қулқоллариға қўйиб боради. Жанг чоғиде угил-

ларининг иши адолатли эканини амалда исботлаш учун осийлик тарафида туриб жанг қилаётганлар, яъни Хастинапур аёнлари ичиде яшашни маъқул қўриб, шох шароитда туради. Бу ундан озмунча жасорат талаб қилмас эди, албатта. Адолат тантана қилғач, гарчи она — малика бўлса-де, шох угил ҳузурида қолишини истамайди. Дхритроштр ва Гандхарий билан урмонға кетишини афзал куради. «Маҳобҳорат» достониде таъкидланганидек, Кунтий чинакам Она тимсолдир. Турғи, Кунтийдан ҳам хатоликлар утади. Куёв танлаш маросимиде Аржун Драупадийни ютиб олганида угилларининг қандай «улжа» олиб келганидан беҳабар ҳолда «уртада бўлашиб ола қолинглар», деган бир оғиз сузи билан Драупадий беш эрга хотин бўлиб қолади. Яна бир хатоси шуки, у Карнингиз суз угил эканини достон сўниғича сир тутайди. Юдхитр бундан қаттиқ ҳафса бўлади. Худодан «бундан кейин аёл зотини сир саклолмайдиган қил», — деб илтижо этишга мажбур этади. Ҳар икки ҳолда ҳам биз бир-бирига қарама-қарши икки ҳолатнинг гувоҳи бўламиз: биринчидан, она сузи нақадар улуг, муқаддас бўлса, иккинчидан, гарчи хато бўлса ҳам, фарзанд она сузига қар-

«МАҲОБҲОРАТ»

ши бормаслиғи керак, деган катта тушунча ётади.

Хусусан, бош угли Карнингиз улимидан бир кун аввал учрашгани бориб у билан видеосўбат қилинди. Бутун бир буюк халқнинг неча минг йиллик тарихини қамраб олувчи қудратли достонини таржима қилиш учун ун кунлик ё бир ойлик, борики, бир йиллик тайёргарлик кифоя қилмас эди. Мен, аввало, ўзбек тилидек муқаддас тилни ўргатган меҳрибон онажонимдан мингдан-минг розиман. Худо бу буюк инсоннинг охиратини обод, жойини жаннатдан айласин! «Маҳобҳорат» фильмдаги барча оналар ва аёлларнинг гапини айнан онажонининг тиллари ва дилларидан ўтқариб таржима қилдим.

Гандхарий бутунлай бошқа олам. У ҳинд аёлларига хос фазилат эриға садоқатини исботлаш мақсадида кузларига боғич боғлаб олади. Филм сўниғиде эса унинг бу «садоқати» замирида не сир яширингани маълум бўлади, яъни фарзандға садоқати уни шундай қилишга мажбур этган экан. Жангда 99 ўли жумонгар бўлади. Лекин барчасидан бош ўгли Дуредхонни кўпроқ яхши куради. «Жисмининг нигоҳим тушган жойи тош-метинга айланади, қолган жойи оддий бадан бўлиб қолаверади», — дейди у Дуредхонга. Демак, Гандхарий эзидиға оддий меҳри ҳар нарсадан қудратли эканиға ишониб келган ва углининг енгиб чиқишига заррача шубҳа қилмаган. Бу уринда биз Гандхарийнинг оналарига хос улугвор кифоа эканидан ташқари, ҳар қандай фарзанднинг она меҳридек буюк неъматдан беҳабар қолмаслиғи лозимлигини ҳам аёнлаймиз. Меҳр эса кузда бўлади, дейдилар. Кунтий умр буйи бешала угилларидан куз умзай яшайди, шунинг учун улар қирғинбарот урушдан омон чиқиб, мамлакатни идора қила бошлайдилар. Карн билан Дуредхон ҳам, қолган 99 угил ҳам она меҳридан, яъни кузидан беҳабар усганлари учун завол топадилар. Бу ибратли ҳикमत ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди. Афсуски, ҳозирда ҳам фарзандлари бўла туриб, фарзандсиздай яшаётган оналар, оналари бўла туриб, она меҳрини оёқсоти қилаётган фарзандлар ураётгани ачинарлидир. Она билан фарзанд уртасиде меҳр бўлмаса, ундай оила ҳам, ундай жамият ҳам охир-оқибатда ҳалокатта маҳкум бўлар экан.

Учинчи она — Драупадий бутун достон давомида онадан кура вафодор ва иродоли ёр тивсолида гавдаланади. У беш ака-уқанинг хасми ҳалолли. Қўҳна тарихларда айтлишимизча, қадим Ҳиндистонда маълум вақтда бир неча ака-уқанинг бир хотин билан оила қуриш даври ҳукм сурган экан. Филмда эса бу ҳолға бошқача ёндошилган. Яъни, аёл зоти шу қадар муқаддас, улугки, уни қадрлаш учун барча эркаклар бир экандан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим. Кришна ҳам шуни эслатади: «Бирингиз бош бўлинг, бирингиз оёқ бўлинг, бирингиз юрак бў-

линг, бирингиз қувват бўлинг, шундағиде Драупадий сизға чинакам хасми ҳалол бўлғусидир». Беш ака-уқа умрларининг охириғича Кришнанинг шу угитига риоя қилиб яшайдилар. «Маҳобҳорат» достонининг бош мавзуси ҳам Драупадий тақдирига асосланган деса бўлади.

Кимор уйиниға тикиб юборилган Драупадий шармисор этилади. Шу шармисорлик буюк жанг бошланишиға туртки вазифасини бажаради. Душасан юрагининг қони келтирилиб, Дуредхоннинг тиззаси мажакланиши билан буюк жанг ниҳоясига етади. Бу уринда биз аёл шаъни нечоғли улуг ва нозик эканининг гувоҳи бўламиз. Аёл шаъни жамият ҳаётининг неғизи, борлиқнинг асоси, тинчлик ва осийишталик гарови экан. Аёл шаъни топталган жамият охири таназзулга юз таркан.

Дано Бҳишамнинг яхши ухшатмасини бир эсланг-а! Мамлакат худудларини аёл зотининг қоллиғиға қийс қилади. Она Ватанин онаға қийс қилади, она этагини пок сакламоқ аввало фарзандлар бурчи, дейди.

— Айтмиг-чи, сиз учун воқеаларнинг энг таъсирли жойлари қайси?

— Бутун филм давомида мени бефарқ қолдир-

дейиш лозим бўлса, яъни салбий образлар) ҳамда Адолат тантанаси учун кураш олиб борувчилар Кришна раҳнамоллиғиде бир тараф (яъни ижобий образлар) бўладилир. Лекин диққат билан разм солсангиз, сўқир Дхритроштр сузлари мана мен деган донишмандни ҳам лол қолдирмайдими? Воқеалар моҳиятини очиб беришуда у Бҳишамни ҳам, Видурни ҳам, ҳатто Кришнани ҳам бир чўқишда қочирган уринлар йўқ эмас-ку? Гандхарийнинг уз угли Дуредхонға зафар дуоси тиламаслиғи-чи? Карнингиз укаларига нисбатан пинҳоний муҳаббат-ю дўстиға вафодорлиғи-чи? Дуредхон ва Душасанинг соддадиллиғи, Шитомах (аслида Ашваттхаманинг мардлиғи-чи? Ижобий образлардаги нуқсонларни келтирсак: Кришнанинг жанг қондаларига хилоф иш тутушиға ундашлари-ю, йул очиб беришлари, Юдхитрнинг Друнға ёлгон гапириши, Бҳимнинг тирик Душасан юрагини ёриб, қонини ичиши, Дуредхон тиззасини мажақлаши, Аржуннинг куросли Карнга пайкон йўллаб, бошини танидан ҳуд қилиши... Эҳ-эҳ, қайси бирини айтасиз! Демак, «Маҳобҳорат» фильмнинг бош максоди Иймон ва Осийлик уртасидеги кураш жаравинде инсонлар юрагидан кечувчи мураккаб ҳис-туйғу ва кечинмаларни ҳаққоний, чуқур акс этириш экан.

ИЙМОН ЯЛОВИ

Шу боисдан бўлса керак, шахсан мен бирон-бир образға нисбатан тугал меҳр ёки тугал қаҳр туйғусини ҳис қилмадим. Барча образлар юрагимда чуқур хайрихолик, эзгулик пайдо қилди ва ҳамон уларни эслаб, оразиқиб юраман.

— «Маҳобҳорат»нинг тарбиявий аҳамиятиға қандай қарайсиз? Воқеалар кўпроқ юқори табақа ва киллари орасиде, тўғрироғи, шох хонадониде содир бўлади? Одий халқ...

— Воқеаларнинг шох хонадониде кечгани рост. Сабаби мамлакатни бутун бир одам деб олсак, доруссалтант унинг боши, шох саройи бош ичидеги мия сингаридир. Бутун гавданни турли ҳаракатта солувчи қудрат мия ичиде кечаётган фикрлардир. Агар миядаги фикр соф бўлса, гавда ҳаракати ҳам қиройли, турғи бўлади. Агар мия айниса, гавда ҳаракатида гайри табиийлик кузға ташланади. Шох саройидаги воқеалар замирида бутун мамлакат тақдир этганини чуқур ҳис қиламиз. Сарой аёнларининг ҳар бир ҳаракати мамлакат иқарисиде содир бўлаётган воқеалар кечмишидан дарак бериб туради. Бу «Маҳобҳорат» достони (фильм)нинг зоҳирий, яъни кузға ташланиб турувчи оқи томонидир. Достоннинг янада муҳим ботиний, яъни рамзий жиҳати ҳам бор. Дейлик, шох образи. Ҳар қандай одам ҳаётда минг хил қўйға тушади. Бир қарасанг, ишлари юришиб, омади чопаган. Узини ҳудди шохдай ҳис қилади. Гуё бутун дунё оғи остида тургандай. Бир қарасанг, гам-қайғудан шу қадар тушқунликка тушган, ундан ҳур одам йўқдай. Инсондай ана шу ҳолатлар моддийлаштирилиб, агар ўзини шохдай ҳис қилсанг, қандай бўлишинг керак, бошқалар билан қандай муомала қилишинг лозим — огоҳлантириб турилади. Ёки аксинча, қайғуга ботганингизми?

Хуллас, бадий асарнинг бош вазифаси ҳам шу — умуминсоний кечинмаларни моддийлаштириб, умумлаштириб, қийёфлаштириб беради.

— Филмда узаро муносабат катта эътибор берилган. Томошабинлар учун ибрат бўлғулик жиҳатлари кўп. Шундай эмасми?

— Секим айтасизми бу гапни? Бир йигинда фильмнинг шу жиҳатини мақтаб кетишди. «Э ака, ота-боло уртасидеги меҳр-муҳаббат дейсизми, она-боланинг бир-бириға садоқати дейсизми, барини шундан топаверасиз. «Маҳобҳорат» халқнинг кўзини очди, бизлар қандай бўлишимиз кераклигини ҳудди энди қўқиб-билиб тургандай!» Менимча, филм шаъниға бундан ортик мақтов бўлмаса керак.

— Таржима ишининг қайси икки йилға чўзилди. Бу асосий ишинингиз, оилангиз ҳаётини таъсир қилган бўлса керак?

— Шубҳасиз. Мен фильмнинг ҳиндча матнини ишдан кейин соат кечи 6-7 лардан то 9-10 гача тасмадан қозоғға туширдим. Уйга бориб кечаси билан таржима қилардим. Айниқса, дастлабки ун-ун беш сериясидеги қийин-чиқиларни эсласам, ҳали-гача ўзимға ачиниб кетаман. Телевидениеда менга

яхши шароит туғдириб беришди. Мен фақат бир нарсани уйлардим: иш катта, сурункали, иссиқ хон, ишқилиб касал бўлиб қолмай-да, дея худодан тансиҳатлик тилар эдим.

Оилаға келсак, ҳа, осон бўлмади. Ҳар кун ирим кечаси қайтаман. Болаларға яхши қаролмай қўйгандим. Рузгор ишлари деярли бутунлай турмуш ўрғотиб Марҳабохон зиммасида қолди. Раҳмат унга. Мени эмас, «Маҳобҳорат»дай улкан ишнинг аҳамиятини турғи тушунгани учун. Ҳар яқшанба келишини оиламиз билан бегоҳат қутардик. Турғи-да, таржима захматини чекиш бошқача, экранда томоша қилиш завқи бошқача!

— Дубляж усталари билан қандай ишлаганингиз тўғрисида ҳам икки оғиз...

— Ҳожиакбар Нурматов, Римма Аҳмедова, Ойбарчин Бақирова, Афзал Рафиқов... бу исмлар нафақат ўзбек тингловчиси, балки бутун Урта Осиё ва ундан ташқарида ҳам маълум машҳурдир. Яхшии, уларнинг таърифини келтириб ўтирмай-да, ишлар ҳараминишдан сузлай қолмай. Овоз Ҳазратини кўни ҳаммамиз студияда тулганамиз. Соат 9 ларгача машқ қиламиз. Бу санъаткорлар билан ишлар ҳам завқли, ҳам масъулятли. Сабаби, ҳаммалари маълумотли, саводхон кишилар. Сузларни танлашда талабчан. Наинки сузларни, балки фикрнинг турғи талқин этишга ҳам қаттиқ эътибор беришади. Улар ортиқча гап-сузлар қилишмасди, жимгина матни билан сизра ўқишарди-да, саволлар пайда бўлган жойни ростлаб олишарди. Матн буйича ҳеч бир саволға ҳоҳат қолмагандан кейингина тасвирға қараб, овоз чиқариб ўқишға киришишарди. Бу санъаткорларнинг уз ишларига ҳурмат ва маданият билан қарашлари мени хайратға соларди. Кўпинча мушкулмини осон қилган ҳам уларнинг батариб, қўнт билан ишлашлари бўлди. Айниқса, менга нисбатан гоят эҳтирослик ва ҳушмуомаллик билан муносабатда бўлганларини қайта-қайта тилға олгим қолади. Бора-бора бизлар шу қадар уюшиб кетдикки, чинакамиға бир ижодий жамоаға айланиб қолдик. Баъзиларға уқшаб, таржима матниға нисбатан инжиқлик қилиш одати уларда мутлақо йўқ эди. Бир оғиз изохимини дарҳол тушунарларди. Кўп ҳолларда уларнинг маслаҳатлари таржимани очиб юборарди. Киройи ишласанг, шундай санъаткорлар билан ишласанг-да!

— Таржимангиздан кўнглингиз тўлдими?

— Юқоридеги саволингизға ҳа деб ҳам, йўқ деб ҳам жавоб бераман. «Ҳа» шунинг учунки, икки йиллик ишни урдаладим, «йўқ» шунинг учунки, «Маҳобҳорат» буюк асар. Ундаги ҳар бир жумла, суз шу буюкликка тула жавоб бера олади, деб айтмайман. Аммо мен ўзимдаги бор билим ва кучни асло аямодим. Улуг таржимонлар Мирзақалон Исмоилий, Мирзаид Мирзоидов, Тўхтасин Жалолов, Қодир Мирмухамедов, Ваҳоб Рўзиматов, Мирқарим Осим, Оқил Шаропов, Малик Раҳмон, Сами Раҳим, Раҳмонберди Мухаммадхон, Иброҳим Гафуров, Ҳасан Тўрабеков тажрибалари, шубҳасиз, менга қатна дадал берди. Агар шу таржимонлардан урганган нарсаларинини эплаб ишға солган бўлсам, улар ишончининг мингдан билининда, қолган бўлсам, демак, менинг юзим ёруғ.

— Амирхон ака, албатта уйқусиз тунар, лугат ахтариб узоқ изланишлар ортда қолди. Ҳар бир меҳнат уз қадрини топтоми ва у халис баҳоланмоғи керак. Биз сизнинг ва филм таржимасиде қатнашган бошқа ижодкорларнинг машаққатли меҳнатлари ҳали ўзининг ҳақиқий баҳосини олади, деб ўйлайми?

— Илик сузларингиз учун раҳмат. Агарда муҳтарам телеомошабинлар «Маҳобҳорат» фильмини мунтазам кўриб борган бўлсалар, буни мен ўзим учун ҳам, томошабинлар учун ҳам олий мукофот деб биларман.

— Амирхон ака, бугунги кунда қандай ишлар билан бандсиз?

— Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриятиде бўлим бошлиғи бўлиб ишлайман ва бундан ташқари эркин таржима билан шуғулланаман.

— Бевосита саволингиздан келиб чиқиб шундай айтмоқчиманки, Ҳиндистон маҳсулотли бўлган 9 қисмли «Мирзо Гўлиб» видеофильми таржимаси устиде иш олиб борман. Ўзбекистон ойнаи жаҳонидан зангори экранға чиқмаган «Тўнги ёғду» дағи Ҳиндистон ва Покистон киностудияларида яратилган фильмларни ўзбек тилиға ўтириб беришам.

— Газета муштарийларига тилақларингиз...

— Бу ҳафталик менинг азалий ҳамроҳим, йўлдошим ва энг асосий мураббийимдир. Мураббийимнинг умри узоқ, йўли порлоқ бўлсин!

— Самимий сўхбатингиз учун ташаккур.

Мўмин ҲОШИМОНОВ сўхбатлашди

ХАЛОҚСОР МУШУК

(Таниқли Фотосуратчи Содиқ Маҳқамов ҳикояси)

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига беш йилча бўлиб қолди. Бир кун уқанининг уйига — отахонимизнинг бордим. Борсам, уйда юрган мушукни укам ҳақ ардоқлаб эъзолаб, турға ўтказиб қўйибди, қорилган гўшт, юмшоқ нонлар билан сийлаётти.

— Ҳа, Собиржон, нима гап, тиқилми? Мушукни ёки мушукни курсанин, янгиликку шу ўтиришинг... — деди ҳайрон бўлиб.

— Э ака, мушукни ёким кўриб бўлмас экан, мушук одамнинг дўсти, оиланинг соқиси экан! Мана шуям утган кун биларини бир фалокатдан асради...

Баттар хайратим ошди. Рост, укам узи ошлар бўлиб ишларди, шунинг учунми ёй, мушукни курсанин кўрибди. Катта ураса тепиб, ҳайдаб, сўқиб... дегандай. «Хамма ошлардан шунақа бўлади эзи, мушукни өқтирайдий, курса қувади, ҳайдайди, сўқиб бақиради-да», дерсиз. Балки шундайлар, бу галати «душманлик» ошларларнинг касб ҳусусияти билан боғлиқдир. Лекин укамни ёшлиқдан биларманку, Манов мушук ҳам укамнинг нече су-

кишларини эшитмаган, отган не-не кесакларига чап бериб қочмаганми? Барибир шу мушук шу ҳовлида яшаб келяпти. Бироқ, бугунги иззат-икромлар бошқача, бошқачароқ, албатта, бунинг бир сирини бор!

Хуллас қалом, укамнинг айтишича, воқеа бундай бўпти:

Ярим тун. Ҳаммаёқ қор-қоронғи. Ҳамма одам маст уйқуда. Укам каравотда ухлаб ётган экан, кимнингдир қўрпани тортавтганидан уйғониб кетибди. Қараса — мушук! Мана шу, уйдаги мушук қўрпани тишлаб тортиб, укамнинг устини очиб ташлаган экан. Укам бақириб, мушукни тепиб юборибди-да, яхшилаб влиниб ухлаб қолибди. Кузи илтирайилмас, яна шу аҳвол — мушук мийлаб келиб қўрпани тортармиш. Укам уйқули-уйқоқ анча ёттиди, мушукнинг мивеллаши зуррайгандан зуррайиб, қўрпани тишлаб тортаверармиш. Гуё дунёға ўт кетиб ётти-ю, мушук шу фалокатни қандай айтишини билмай мивеллагани мивеллаган, зорлангани зорлаган. Охири, Собиржон уйқуси бўлибди урғундан туртибди — няти, нима қилиб бўлсам мушукдан

Олам тула Сир-Синоат

Музаффар баён қилди

Чойхур



КАМПИР ҚАЁҚҚА КЕТДИ?

Конструкторлик бюраларидан бирида хизмат қилувчи Алексей Иванович Волжанин икки ҳамкасби билан балиқ овига бормоқчи бўлишди. Жума кун кечқурун барча анжомларни эски «Москвич»ға жойлаб йўлга чиқшди. Питердан Карелия урмонлариғича бир неча соатлик йул. У ёқда «Вуокса» деб номланган қўллар бор. Типтиник, тоза сув, урмон ҳавоси, хуллас, балиқчи учун жаннатнинг узгиниси.

Улар тез-тез бу ерларға келиб туришарди. Шунинг учун дастурлар ҳам тайин эди. Кечқурун йўлга чиқшарди, гулкан ёнида ётиб дам олишарди, тонгда балиқ овлаб, тушликни шу ерда қилишгач уйларига қайтишарди.

Бу сафар иш чаппасидан кетди. Улар белгиланган ерга етиб келишганде момақалдироқ гўмбурлади, яшин чақнади. Чақнаш шунчалик яқин масофада оқ бердики, рулда утирган Алексей Ивановичнинг кузлари ёрғудан ҳеч нарсани кўрмай қолди ва машина йўлдан чиқиб ағдарилиб кетди. Волжанин ва унинг ёнида утирган Сигалевға зарар етмаган бўлса-да, орқа уридикда утирган Семён Яковлевич Элбман қаттиқ жароҳат олди. Ён эшик ойнасининг майданалиб кетган парчалари унинг буйни ва юзини қонатди.

Савҳатчилар нима қилишларини билмай ган-

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШИРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САҢЪАТИ

ХАҒБАТЛИК ГАҒАБА

Манзил: Тошкент — 700083, Матбуотчилик кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ
Тахрир хизмати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (нази ва насл бўлими мудирини), Далахон ЁҚУБОВ, Олд ЁҚУБОВ, Анвар ЖАБОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашуралӣ ЖУРАЕВ (сағнат бўлими мудирини), Маҳмуд САБДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудирини), Шароф УСНАТДИНОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ГАФУРОВ (бош муҳаррир урибосарини), Бекқул ЭГАМКУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир Музаффар АҲМАД

Редакцияда келган қўлезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрирнинг нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.